

КРЕДИТ ОЛСА БЎЛАДИМИ?

Ўғлим контракт асосидаги ҳарбий хизматчи. Оилали. Икки нафар фарзанди бор. Телевидение орқали оилаларга уй ёки уй-жой қуриш учун кредитлар берилаётганлиги ҳақида кўп гапирмоқда. Ўғлим ҳам уй қуриш учун кредит олса бўладими?

4 бет

ТАЛОН-ТОРОЖ УСТАСИ

У ўзганинг мулкни ўғирлаётгани, бу қилмиши жиноят эканини билмаганими? Бу жиноятдан хабардор бўлган ҳар бир кишида шундай савол туғилиши табиий. Йўқ, у ҳаммасини жуза яхши тушунади. Агар ўғирлик очилиб қолса, қонун олида жавоб беришини ҳам неча бор мулоҳаза қилиб кўрганли.

8 бет

Mustaqillik huquq demakdir



1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan www.huquq-gazeta.uz

2011-yil 10-mart, №10 (739)

Ҳамкорлик

Тадбир

Самарали ташриф

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров бошчилигидаги прокуратура делегацияси шу йил март ойининг бошларида Польша Республикасида бўлиб қайтди.

Ташрифдан қўзланган мақсад янги мақомдаги Польша Республикаси Бош прокуратурасининг тузилиши, вазифалари ва фаолият йўналишлари билан танишиш, халқро терроризм, одам савдоси ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа кўринишларига қарши кураш соҳаси билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари билан Польша Республикаси Суд ва прокуратура давлат академияси ўртасида Ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумни имзолашдан иборат эди.

Ташриф дастурига мувофиқ делегация Бош прокуратура, Ички ишлар, Адлия вазирлиги, Қамқоҳна муассасаси маъмурияти, Ички хавфсизлик хизмати ҳамда Польша Республикаси Суд ва прокуратура давлат академияси раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди.

Польша Республикаси Бош прокурори Анджеј Серемет учрашувда Ўзбекистон делегациясига Польшада 1990 йилда Бош прокуратура Адлия вазирлиги таркибига киритилиб, прокуратура тизимига Адлия вазирлигининг раҳбарлиги белгилаб қўйилганлиги ҳақида ахборот берди.

Унинг ташкиллашчи, бундай бирлашиш қонунийлик, ҳуқуқ тартиботи ва жиноятчиликка қарши кураш аҳолига салбий таъсир кўрсатган. Боз устига, Адлия вазирлиги орқали ижро ҳокимиятига яқинлашиш, сиёсий курашлар таъсири остида прокуратуранинг қарорлар қабул қилиш бора-сидига мустақиллигига раҳна сола бошлаган.

Шу сабабли 2010 йилнинг апрель ойидан бошлаб Польша Бош прокуратураси Адлия вазирлигининг таркибидан чиқарилиб, мустақил марказлашган тизимга айлантирилган.

Польшада прокуратура органларининг асосий функциялари — қонуналарга аниқ риоя этилиши устидан назорат, шу жумладан, дастлабки тергов жараёнида, шунингдек, жиноят ишларини судда кўришида прокурор айбловини қўллаб-қувватлаш ва қонунга мувофиқ бўлмаган суд ҳужжатларига протест келтириш ҳисобланади.

Учрашув давомида Польша Бош прокурори Ўзбекистон

Республикаси Бош прокурорининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи ҳамда унинг фикрича, прокуратура органларининг жамоатчи ёрдамчилар институтининг фаолият кўрсатиши ҳар томонлама чуқур ўрганишга лойиқ ҳолатлар эканлигини таъкидлаб ўтди.

Учрашув қатнашчилари икки мамлакат прокуратураларининг ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш ва ривожлантириш ҳамда унинг доирасида идоралараро битим ишлаб чиқишга тайёрликларини билдириб, бу ҳақда тегишли баённомани имзолادилар.

Польша Ички ишлар вазирлиги ва Қамқоҳоналар маъмуриятида бўлиб ўтган учрашувда меҳмонлар мамлакатдаги жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш аҳоли билан таништирилди.

Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра, 90-йилларнинг бошида Польшада жиноятчилик кескин ошиб кетган. Кейинги 10 йил ичида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича кўрилган кескин чоралар мамлакат аҳолисида хавфсизликни таъминлашга бўлган ишончнинг ортиб боришига шарт-шароит яратган.

Кейинги учрашув бўлиб ўтган Польша Ички хавфсизлик хизмати 2002 йилнинг 24 майда ташкил этилган бўлиб, у давлатнинг иктисодий манфаатларини ҳимоялаш, энергетика хавфсизлиги, уюшган жиноятчилик, фискал, биржа, солиқ ва божхона, халқро уюшган жиноятчиликка ҳамда коррупцияга қарши курашиш каби вазифаларни амалга оширади.

Ички хавфсизлик хизмати таркибидаги криминалистика тадқиқотлари бюроси криминалистика экспертизалари ўтказиш ва янги криминалистика услубларига оид илмий тадқиқотларни амалга ошириш билан шуғулланади. Коррупцияга қарши амалга оширилаётган чоралар доирасида ИХХ тезкор-қидирув фаолияти натижаларига ёки прокуратура томонидан тақдим этилган ҳужжатларга асосланиб, дастлабки тергов ва куриштирув ишларини олиб боради.

Польша Республикаси Суд ва прокуратура давлат академиясининг директори билан учрашувда ҳуқуқий масалалар бўйича халқро форумлар ўтказиш, прокуратура ходимлари-

ни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимлари тўғрисида ўзаро ахборот алмашиш масалалари муҳокама қилинди. Учрашув натижаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари билан Польша Республикаси Суд ва прокуратура давлат академияси ўртасида Ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Таъкидлаш лозимки, 2009 йилда мазкур академиянинг ташкил этилиши Польшада суд ва прокуратура ходимларини тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш бўйича замонавий марказлашган таълим муассасасининг юзага келишига олиб келган. Мазкур академия суд ва прокуратура ходимларининг дастлабки ва дипломдан кейинги тайёргарлиги учун масъул бўлган ягона марказлашган муассаса ҳисобланади. Умумий, судлов ва прокурорлик мутахассисликлари бўйича дипломдан кейинги таълим, суд ва прокуратура ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш, бу йўналишда илмий-усlubий тадқиқотларни амалга ошириш мазкур академиянинг асосий вазифалари сирасига киради. Академия сарфига йилга деярли 300 нафар тингловчилар қабул қилиниб, уларнинг малакасини ошириш фаолияти Европа ҳуқуқ академияси, Европа ижтимоий бошқарув институти ва Оқил судлов бўйича халқро таълим ташкилоти фаолияти билан мувофиқлаштирилди.

Ташриф давомида Ўзбекистон Республикаси прокуратураси делегацияси Польша Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакилларини Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари билан таништирилди. Польшалик ҳамкасблар бу ислохотлар натижаларига юқори баҳо берди. Шу билан бирга, ҳамкасблар халқро терроризм, одам савдоси ва уюшган жиноятчиликнинг хавфсизликка таҳдид солуви бошқа турларига қарши кураш соҳасида ахборот ва тажриба алмашдилар.

Мазкур ташриф доирасида эришилган келишувлар ва имзоланган ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси билан Польша Республикаси ўртасида ҳуқуқий ҳамкорлики янада ривожлантиришга самарали хизмат қилади.

Бош прокуратура Матбуот хизмати

"Тинч ва осойишта ҳаётнинг, меҳр-оқибат, шафқат ва муруват туйғуларининг қадрига етадиган жонқуяр ва оқила аёлларимизнинг оила ва маҳаллада, жамиятимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатлик, файзу барака, соғлом муҳитни мустаҳкамлаш йўлидаги хизматлари ҳар қанча эътиборга лойиқдир".

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригидан

Байрам шукӯҳи билан

Жамшид Юлдашев, Бош прокуратура бошқарма бошлиғи ўринбосари



8 март — Халқро хотин-қизлар кунининг баҳор фаслида нишонланишида ҳам ўзига хос маъно, ҳикмат мужассамдек. Зеро, аёл баҳор янглиг гўзаллик, latoфат, вафо, садоқат, поклик ва меҳр-муҳаббат тимсолдир.

Маълумки, Шарқ халқларида, жумладан, ўзбек халқида ҳам қадимдан онага, аёлларга ўзгача ҳурмат эҳтиром кўрсатиб келинган. Гўзаллик ва latoфат, садоқат ва меҳр-мурувват тимсоли бўлган аёлларимизни эъзозлаш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш халқимизга ҳос юксак қадрият ҳисобланади.

Юртбошимиз табири билан айтганда, аёлларимизни қанча улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъзозласак, демакки, оиламизни, Ватанимизни эъзозлашган бўламиз.

Кунни кеча Республика Бош прокуратураси ҳам байрам табрига келган муҳтарам ва азиз хотин-қизлар билан гавжум бўлди. Халқро хотин-қизлар кунига бағишланган байрам табририни очар экан, Бош прокурор ўринбосари Ҳ.Халимов барча йўлчиларни баҳор айёми билан муборакбод этди. Сунгра Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари Н.Йўлдошев Бош прокурорнинг жамоадаги хотин-қизларга йўллаган байрам табригини ўқиб эшиттирди.

Истиклол йилларида аёлларимизнинг жамиятимиздаги нуфузи, макеи тобора ортиб бормокда. Халқ хўжалигининг деярли барча соҳаларида эл-юрт, оила равнақи йўлида улар ҳам фидойилик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Жумладан, фидойи аёлларимиз прокуратура органлари тизимида ҳам кўплаб топилади. Улар жиноятчиликка қарши курашиш, қонунийликни мустаҳкамлашдек масъулиятли вазифани эркаклар билан бирга сидқидилдан адо этаётганларига ҳар биримиз гувоҳимиз.

Байрам табририда сўзга чиққанларнинг дил сўзларида муқадас аёлларимиз, мунис оналаримиз мадҳ этилди, уларга самийий тилаклар билдирилди. Хотин-қизларимизга анвойи баҳор гуллари ва совғалар улашилди.

Обуна — 2011

Ҳурматли юртдошлар!

2011 йилда ҳам "HUQUQ" газетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади. Газетамизга барча почта бўлимларида обуна бўлишингиз мумкин.

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

НАШР ИНДЕКСИ — 231

Фаровонлик йўлида

Сурхондарё вилоят прокуратураси органлари томонидан "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси фермер хўжаликларининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилинишига эътибор қаратган ҳолда, Узун ва Қизирқ туманлари ҳокимлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналарда ўрганилди.

Аниқланишича, Узун туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг фаолияти тўғрисида аниқланилди. Фермер хўжаликларининг сувли экин майдонлари туман ҳокимлиги ва бошқа мансабдор шахсларнинг ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганликлари оқибатида уй-жой қуриш учун ноқонуний йўллар билан талон-торож қилинган.

Хусусан, тумандаги собиқ "Серхаракат" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Д.Холматов Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 23-моддасида ер участкаларини ажратиш бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар, шаҳарлар ҳокимлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилганлиги белгилаб қўйилганлигини била туриб, ширкат хўжалиги бошқаруви қарорларини сохташтирган. Қалбаки ҳужжатларни расмийлаштириб, 18 нафар шахсга 4,15 га ер майдонини уй-жой қуриш учун томорқа сифатида бериб юборган.

Натижада 2008-2009 йилларда "Серхаракат" СФУ ҳудудидаги "Яхшиероёв Яшнарбек" номи фермер хўжалигининг 81-84 контурдаги 4,15 гектар пахта ва галла экишга мўлжалланган ер майдониди уй-жой қурилиб, хўжалик манфаатларига 13 млн. 876 минг сўмлик зарар etkанлиги белгиланган.

Узун туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер таллаш ва ажратиш комиссиясининг маъсул мансабдор шахслари эса ўз хизмат вазифалари юзасидан бажарилган шарт бўлган вазифаларини бажармай, ноқонуний равишда уй-жой қурилган экин майдонини фермер хўжалигига қайтариш чораларини кўришмаган.

Ушбу ҳолатлар юзасидан вилоят прокуратураси томонидан Д.Холматов ва бошқаларга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзга тилинди. Жиноят ишлари бўйича Узун туман судининг ҳукми билан Д.Холматовга иш ҳақининг 20 фоизи миқдорда давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Бундан ташқари, Узун туманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 октябрдаги "Фермер хўжаликларининг ер участкалари хўжалигини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармойиши бўйича тузилган ишчи гуруҳ томонидан фермер хўжаликларининг ҳуқуқлари ҳам бузилганлиги аниқланди.

Хусусан, юқоридаги фармойишнинг ижроси юзасидан Узун туман ҳокимининг 2009 йил 31 декабрдаги қарори билан "Маланд" фермер хўжалиги билан тузилган ер участкасини узоқ мuddатга ижарага олиш шартномаси бекор қилиниб, фермер хўжалигининг 3,5 гектар ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтарилган.

Туман ҳокими Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддаси, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонунининг 32-моддаси талабларини қўпол тарзда бузиб, фермер хўжалиги бошлигининг розилигисиз у билан тузилган ер участкасини узоқ мuddатга ижарага олиш шартномасини бекор қилиш тўғрисида қонунга зид равишда қарор қабул қилган.

Ҳокимнинг, шунингдек, "Нурсултон АМ", "Миришкор" ҳамда "Хамкон Пахтакор" фермер хўжаликлари билан тузилган ер участкасини узоқ мuddатга ижарага олиш шартномалари тўғрисидаги қарорлариди ҳам хатоликка йўл қўйилган.

Туман ҳокимининг ушбу қарорлари қонунга зид бўлганини учун уларга нисбатан протестлар келтирилди.

Х.РАИМОВ,
Сурхондарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

ган мақсадда фойдаланмаганида, хусусан контракция шартномасида назарда тутилмаган қишлоқ хўжалиги экинлари экилганида ер участкасини олиб қўйиш зарурати бўлган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш шартномаси бекор қилиниши белгиланган. Мазкур қонуннинг 13-моддасида эса фермер хўжаликларининг ердан фойдаланиш шартлари ҳам кўрсатилган.

Туман ҳокими қонуннинг 13-моддасини нотўғри қўллаб, фермер хўжалиги бошлигининг розилигисиз, у билан тузилган ер участкасини узоқ мuddатга ижарага олиш шартномасини бекор қилиш тўғрисида қонунга зид қарор қабул қилган. Туман ҳокимининг 46 та қонунга зид қарорларига нисбатан протестлар келтирилди.

Шунингдек, Қизирқ туман ҳокимининг 2009 йил 30 декабрдаги 749-сонли қарори билан "Гиламбоб олмаси" фермер хўжалиги билан тузилган ер участкасини узоқ мuddатга ижарага олиш шартномаси бекор қилиниб, фермер хўжалигининг 3,5 гектар ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтарилган.

Туман ҳокими Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддаси, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонунининг 32-моддаси талабларини қўпол тарзда бузиб, фермер хўжалиги бошлигининг розилигисиз у билан тузилган ер участкасини узоқ мuddатга ижарага олиш шартномасини бекор қилиш тўғрисида қонунга зид равишда қарор қабул қилган.

Ҳокимнинг, шунингдек, "Нурсултон АМ", "Миришкор" ҳамда "Хамкон Пахтакор" фермер хўжаликлари билан тузилган ер участкасини узоқ мuddатга ижарага олиш шартномалари тўғрисидаги қарорлариди ҳам хатоликка йўл қўйилган.

Туман ҳокимининг ушбу қарорлари қонунга зид бўлганини учун уларга нисбатан протестлар келтирилди.

Сирдарё вилоятидаги 48 та касб-ҳунар коллежлари ва 4 та академик лицейларда 40 минг 690 нафар ўқувчи билим олишмоқда.

Аниқ вазифалар

С.НАЗАРОВ,
Сирдарё вилоят прокуратурининг катта ёрдамчиси

Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони талабларидан келиб чиқиб, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини касбга йўналтириш, кичик бизнесга жалб қилиш ва уларнинг бандлигини таъминлаш юзасидан вилоят комиссияси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, савдо-саноат палатаси, урта махсус, касб-ҳунар таълим бошқармаси, "Микрокредитбанк"нинг вилоят бўлими ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда "Вилоятда касб-ҳунар коллежи битирувчилари бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар" Дастури ишлаб чиқилди.

2009-2010 ўқув йилида 12256 нафар академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидан 10409 нафарининг ўз соҳавий йўналишлари бўйича ишга жойлаштирилиши таъминланган.

Ишга жойлашмаган касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагини билдирган 188 нафар битирувчи ёшларга малакали мутахассислар қўмағида ишлаб чиқилган бизнес режалар асосида "Микрокредитбанк" томонидан 1 млн. сўмдан жами 188 млн. сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Кредит ажратилган ёшларни тадбиркорликка йўналтириш, уларнинг касб-маҳоратини ошириш мақсадида тижорат банклари, солиқ инспекцияси, вилоят ҳўнарманлар уюшмаси мутахассислари ва бошқа мутасадди идоралар иштирокда ўқув машғулотлари ўтказилиб, уларга аниқ йўналишлар берилганлиги натижада бугунги кунда уларнинг 146 нафари чорвачилик, 13 нафари тикувчилик, 12 нафари компьютер хизмати, 5 нафари паррандачилик ва 12 нафари бошқа йўналишлар бўйича фаолиятларини давом эттирилмоқда.

Бундан ташқари, битирувчиларни иш билан таъминлаш мақсадида соҳалар бўйича ўз кичик бизнесларини ташкил этиш истагини билдирган коллеж битирувчилари ўртасида сўровномалар ўтказилиб, улардан 1183 нафари билан мутасадди идоралар иштирокда тадбиркорлик йўналишлари бўйича ўқув-семинар машғулотлари ўтказиб боришмоқда. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини юритиш истагини билдирган ёшларга иш юритишни ташкил этиш, бизнес режалари тузиш, белгиланган тартибда давлат идораларидан рўйхатдан ўтишда ақлия бошқармаси, банк идоралари ва савдо-саноат палатаси томонидан бепул хизмат кўрсатишининг қонуний асослари ишлаб чиқилди.

2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан "Микрокредитбанк" ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Кенгаши томонидан барча туман ва шаҳарлар ҳудудида ўз бизнесини ташкил этиш истагида бўлган ёшларга кўмаклашувчи "Маслаҳат маркази" фаолияти йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда "Маслаҳат маркази" томонидан бизнес режаларини ишлаб чиқишларида уларга амалий ёрдам кўрсатилиб, тадбиркорлик соҳасида ўз фаолиятларини йўлга қўйишлари учун 1,2 млрд. сўм кредит маблағлари "Микрокредитбанк"нинг мавжуд ресурслари ҳисобидан ажратиштириш режалаштирилди.

Шунингдек, вилоят прокуратураси томонидан фаолият юритиб келаятган ва шугулланиш истагини билдирган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш, ҳуқуқий маслаҳатлар бериш борасида очик мулоқотлар режаси ишлаб чиқилиб, ўтказилаётган тадбирларга қишлоқ жойларидаги касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ва ўз кичик бизнесини ташкил этиш истагини билдирган ёшлар жалб қилинди.

Ноқонуний фаолият

М.ЖўРАЕВ,

СВОЖДЛҚК Департаменти бўлим катта инспектори

Кейинги йилларда тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, аҳоли фаровонлигини ошириш, чет эл сармояларини жалб қилиш борасида юртимизда кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу тадбирлар самараси ўлароқ, чет давлатларнинг қўллаб-қўйишлари билан яхши ният билан ўз сармояларини мамлакатимизга олиб кириб, қонуний фаолият кўрсатмоқда.

Республикамизда барча соҳалардаги ислоҳотлар ўз самарасини бераётганига, тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва катта имтиёзлар берилаётганига гувоҳ бўлган айрим хорижий ишбилармонлар асли мақсадини яшириб, тадбиркорликни олиб олишга ўтиб, ноқонуний фаолият билан шугулланаётганлиги афсусланарли ҳолидир. Худди шундай бир ҳолат Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютасида оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти томонидан фош қилинди.

Хитой Халқ Республикаси фуқароси Бай Йининг жаноблари 2003 йилнинг декабрь ойидан буён "Golden Dragon Tea" маъсуляти чекланган жамияти ташкил қилиб, юртимизда айрим нафсини йўловчи кимсалар ёрдамида жиноий гуруҳ тузиб, унга раҳбарлик қилди. У мамлакатимизда тадбиркорларга яратилган кенг имкониятлардан фойдаланган ҳолда фаолият кўрсатиб келган. Жиноий гуруҳ доимий равишда Хитойдан чой маҳсулотларини олиб келиш ва сотиш билан шугулланган. Гуруҳ аъзолари мунтазам равишда чой сотишдан тушган жуда кўп миқдордаги пуллари банкка топширмадан савдо қондаларини бузиш, солиқ тўлашдан буйини тўлаш, мансаб сохтакорлиги ва мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жиноятларини содир қилишган. Ҳеч бир жиноят жазосиз қолмади. Уларнинг бу қилмишлари юзасидан қўзғатилган иш жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судида кўриб чиқилиб, қонуний ечимини топди.

Юқоридаги каби ноқонуний ишлар билан шугулланганлар бир кун келиб, қилмишларига яраша жазо олишлари мўқаррардир.

Қарши шаҳар ҳокимлигининг мажлислар заллида "Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоялаш — давр талаби" деган мавзуда йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК Департаменти вилоят бошқармаси, вилоят Марказий банки, вилоят Давлат солиқ, Монополиядан чиқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармалари, савдо-саноат палатаси ва бошқа вилоят ташкилотларининг раҳбарлари, Қарши шаҳар ҳокими ва унинг ўринбосарлари, шаҳар прокурори, шаҳар ИИБ ва ДСИ бошликлари, жиноят ишлари бўйича шаҳар суди раиси ва суд ижрочилири, шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғинларининг раислари, депутатлар, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Йиғилишнинг вилоят прокурори Х.Турдибоев кириш сўзи билан очди ва бошқариб борди. У ўз сўзида мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданқонинг омилига бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилганини, Юртбошимизнинг "Ислохот ислохот учун эмас, ислохот инсон учундир", деган пурмаёно сўзлари бугун ҳаётда ўз аксини топаётганини қайд этиб ўтди. Дарҳақиқат, ҳуқуқий демократик давлат қуришни ўз олдига мақсад қилиб олган юртимизда фуқаролар, айниқса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ва эркинликларини ҳимоялаш муҳим аҳамияти касб этди.

Давр талаби

Н.ОМОНОВ,

Қашқадарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи ўринбосари

Шундан сўнг вилоят Давлат солиқ бошқармасининг бошлиғи Х.Жўраев, Марказий банк вилоят бош бошқармаси бошқаруви раиси биринчи ўринбосари Р.Аминов, вилоят савдо-саноат палатаси бошлиғи Ф.Таштовлар сўзга чиқиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўлида солиқ тўловлари ва банклардан кредитлар беришда, кичик бизнес вакиллари ва тадбиркорларни рўйхатга олишда яратилган энгиллик ва янгиликлар ҳақида тўхталиб ўтишди.

Йиғилишда баён қилинган фикрлардан хулоса шуки, барқарор ривожланиш йўлидан бораётган давлатимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига яратиб берилаётган шарт-шароитлар, уларнинг манфаатлари қонун доирасида ҳимояланиши ўз самарасини беради ва бундан халқимиз баҳраманд бўлади.

Вилоят прокурори Х.Турдибоев йиғилишда таъкидлаганидек, биз моддий бойликларни маънавий соҳасини ривожлантиришга сафарбар эгамиз, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоялаш эса давр талабидир.

Табиат олдидаги бурчимиз

Инсониятнинг табиат олдидagi вазифаси кўлами кун сайин ортиб бормоқда. Айниқса бу ҳол Орол бўйи ҳудудларида яққол сезилмоқда. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматлари бу борада амалий тадбирлар ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ қилмоқда. Теварак-атроф, сув ва ҳаво тозаллиги - орасталигимиз каби муҳим муаммолар ўз ечимини топаётти.

Яна шунга алоҳида эътибор бермоқ керакки, инсонлар сihat-саломатлигининг мустаҳкамлиги кўп ҳиҷатдан экологик муаммоларнинг қай тарзда ҳал қилинаётганлигига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Кўпгина касалликларнинг туб замини экологик ҳолатнинг қай тарзда эканлигига боғлиқлиги сир эмас.

Орол табиати муҳофазаси қилиш прокуратураси ҳам бу борада бир қатор ишларни амалга ошираётти. Идорамиз Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига хизмат қилади. Қўринаяптики, ҳудудимиз кенг. Яқунланган йилда 16 та текшириш ўтказилиб, аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари бўйича 30 та протест, 31 та таклиф киритилди. 45 нафар масъул шахс ва фуқаролар қонунбузилишига йўл қўймаглиги бўйича ёзма равишда огоҳлантирилди. 110 та қарор чиқарилиб, 40 нафар шахс интизомий, 105 нафар шахс эса маъмурий жавобгарликка тортилди. 14 млн. 504 минг сўмини ундириб бериш учун судларга 16 та даъво аризалар киритилди. Қўпол қонунбузилиши ҳолатлари бўйича 5 та жиноят иши кўзгатирилди. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, Нукус туманидаги "Маҳмуд-Саломат" фермер хўжалиги раҳбари Бахтиёр Ажимуратов сунни исроф қилишда айбланди. У бу ҳаракати учун Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида жавобгарликка тортилди.

"Бадай тўқай" давлат қўриқхонаси масъул ходимлари ўз зиммасидаги вазифани унутганга ўхшайди. Рейд давомида қўриқхона масъуллари Х.Холмуратов, М.Қурбонов, Э.Ғаниев ва А.Бегмановларнинг жиноий тил бириктириб, қонунбузарлик қилишаётганликлари устидан чиқдик. Бу кимсалар жами 113 донга тўрағил ёғочларни кесиб, табиатга 11 млн. 160 минг 816 сўмлик зиён етказишган. Айбдорлар қонун олдида жавоб бердилар.

Ўтган йил давомида Қорақалпоғистонда экологик ҳолатларнинг бузилиши бўйича 10 та, Хоразм вилоятида эса 2 та жиноят содир этилди. 18 та жиноят иши ҳисобга олинди, шундан 11 таси яқунланди. 19 нафар шахс 8 та жиноят иши бўйича айблов ҳулосаси билан, 4 нафар шахс 3 та жиноят иши бўйича амнистия тариқасида судга юборилиб, жавобгарликка тортилди. Тегишлилиги бўйича 6 та жиноят иши тергов органларига юборилди. Ачинарли ҳолат - баъзи бир фуқароларимиз жониворларга шадқатсиз муносабатда бўлмоқдалар. Мўйноқ туманидаги "Жилтирбас" қўлида фуқаро Соғинбек Ақилбеков жуда кам учрайдиган 3 та қундузни тутиб, терисини шилаётган пайтида ушланди. У бу иши билан табиатга 2 млн. 260 минг сўмликдан зиёдроқ зиён етказди. Соғинбек ЖКнинг тегишли моддаси билан жазоланди.

Хазорасплик фуқаро Баходир Бобоев ўзининг "Худойберди раис" фермер хўжалигидаги 194 тул теракни қонунга хилоф равишда кесдириб табиатга 8 млн. 115 минг сўмдан кўпроқ зарар етказди. Мазкур ҳолат бўйича ҳам жиноят иши очдик ва у қонун олдида жавоб берди.

Хўжайилик фуқаролар И.Абдукаримов ва Б.Яхшимуратовлар ўз шахсий машиналарида Мўйноқ туманига боришиб, "Жилтирбас" қўлида қонунга зид равишда балиқ овлайдилар. Ман қилинган вақтда балиқ овлаш билан шуғулланганликлари ва 35 та турли хилдаги балиқларни тегишли рухсатномасиз тутганликлари ҳамда табиатга 3 млн. 466 минг 560 сўмлик зиён етказганликлари учун ЖКнинг 202-моддаси 2-қисми "в" банди билан жиноят иши кўзгатирилди. Тергов натижасига кўра жиноят иши судга юборилди. Иш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2010 йил 28 август кунги "Ўзбекистон Республикаси

Рохат ЖАББОРБЕРГЕНОВ,
Орол табиати муҳофазаси қилиш прокурори

мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарорининг 2- ва 7-бандларига асосан тугатилди. Иш бўйича жиноят қуроли деб топилган "Матиз" маркали автомашинаси давлат фойдасига ўтказилди.

Гап балиқчилик ҳақида кетаятган экан, табиатнинг бу инъоми ҳам етти хазинанинг бири эканлигини унутмаслигимиз керак. Мазкур соҳани ривожлантириш ва асраш бўйича ҳукуматимиз томонидан Фармон ва қарорлар ишлаб чиқилган. Ҳозир республикамизда балиқчилик бўйича бир қанча фермер хўжаликлари ташкил этилган. Уларнинг кўпчилиги ўз ишларини беками-кўст бақаришяпти.

Худудимизда 75 минг гектарга яқин табиий кўлар мавжуд. Улар фермер хўжаликлари ва ижарачиларга 10 йил муҳлатга бўлиб берилган. Ижарачиларнинг бетиним хизматлари туфайли бултур 14316,18 минг сўм ишлаб топилган. Қўринаяптики, балиқчилик қони фойда. Аммо уни ким, қандай удалаяпти.

Тўғрисини айтишимиз керакки, баъзи бир фуқаролар мавжуд қонунларимизни менсимаяпти. Қорақалпоғистондаги республика ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини муҳофазаси қилиш Давлат инспекцияси ходимлари ана шундай 126 та фактни аниқлашди. Айбдорлар тегишли жазоларини олишди. 365 нафар фуқарога эса маъмурий чора кўрилиб, 15193,86 минг сўм жарима солинди ва табиатга келтирилган 1286,99 минг сўмлик зарар ундирилди. Туман судларига 32 та иш ўтказилиб, 8316, 61 минг сўмлик даъво киритилди. Қонунсиз балиқ ва бошқа жониворларни овлаган браконьерлардан 89 та ов қуроллари, 32 та қайиқ мусодара қилинди.

Ўртдошларимиз орасида табиатдан, унинг бойликларидан шахсий манфаатлари учун фойдаланимоқчи бўлганларнинг борлигини инкор қилолмаймиз. Бундайларга нисбатан эса ҳамкорликда курашмоғимиз лозим.



Миннатдорман

Мен Хоразм вилояти, Гурлан туманида туғилиб, шу ерда истиқомат қиламан. Воҳамиз аҳолисини гўшт ва туҳум маҳсулотлари билан таъминлаш, бўш иш ўринлари яратиш мақсадида, 2010 йилнинг 6 декабрида туман ҳокимининг қарорига асосан, ўзим истиқомат қилиб келаятган "Вазир" қишлоғида фермер хўжалиги ташкил қилиб, товуқ боқиб, парваришлаш билан иш бошлаган эдим. Фаолиятимиз туман прокуратураси ҳамда ҳокимлиги томонидан доимий эътиборга олинган ҳолда, ишимизни янада ривожлантириш учун барча шароитлар яратилиб берилган бўлиб, ҳозирда фермада 16 мингдан ортиқ товуқ ва жўжалар парваришланмоқда.

Энг асосийси эса, Ўртдошимиз томонидан жорий йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилинганлиги кучимизга куч, гайратимизга гайрат қўшди.

Шу муносабат билан 2011 йилнинг январь ойида тумандаги ТИФ "Миллий банк" Гурлан туман филиалига фаолиятини янада ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш мақсадида кредит ажратишни сўраб мурожаат қилдим. Аммо банкдан аризада кўрсатилган маблағларнинг берилмаслиги тўғрисида жавоб олдим. Шундан сўнг, туман прокуратурасига мурожаат қилишга мажбур бўлдим. Буни қарангки, туман прокуратурасининг аралашуви билан мурожаатим тез кунда ўрганиб чиқилиб, банк томонидан "Ўразмат дўгон" фермер хўжалигига 2011 йил 28 февраль кунини йиллик 20 фоиз ҳисобида бир йилда қайтариш шарти билан 18 млн. сўм миқдорда кредит маблағи ажратилди.

Шу сабабли, оғиримни енгил қилиб, банкдан кредит олишимда яқиндан ёрдам берган туман прокурори Ш.Абдуллаев ҳамда ходимларига ўз миннатдорчилигимни билдираман. Уларнинг келгуси ишларига зафарлар тилайман.

Д.КАМАЛОВА,
"Ўразмат Дўгон" фермер хўжалиги раҳбари

Куч-қувват тилайман

Жорий йил Президентимиз томонидан "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилинган, бу борада Республика ҳукумати томонидан аниқ мақсадли дастурлар ишлаб чиқилди. 2010 йил 28 июлда қабул қилинган ҳукумат қарори биз ёшларга янада кенг имкониятлар яратиб берди. Бугунги кунда Наманган вилоятининг Уйчи туман прокуратураси томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг эркинликларини кафолатлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Бунга мисол тариқасида туман прокуратурасида ташкил қилинган ва нафақат туманда, балки республикада ҳам ишончли бўлган "007" қисқа рақамли телефонида қилган мурожаатини келтириш мумкин. Ушбу мурожаатимдан кейин туман банкда юзага келган кредит масаласини ҳал этиш фаолиятини тез ташкил қилиш учун туман прокурори Ш.Қосимов ҳамда туман ҳокими М.Валиев томонидан менга амалий ёрдам кўрсатилди.

Шу муносабат билан юртимизда фаолият юритаётган барча прокуратура ходимларига, шахсан туман прокурори ва туман ҳокимлигига ўз миннатдорчилигимни билдириб, уларга Аллоҳдан ҳаммиша куч-қувват тилаб қоламан.

М.ОНАРБАЕВ, тадбиркор

Прокуратура аралашуви билан

Нафақа пуллари ундириб берилди

Соҳиб ЖУМАЕВ,

Қизилтепа туман прокурори ёрдамчиси лавозимда иш ўрганувчи

Навоий шаҳридаги Тинчлик кўрғонинда истиқомат қилувчи фуқаро Т.Саттаров "Маликчўл" ширкат хўжалиги томонидан нафақа пулларининг ўз вақтида берилаётганлиги ҳақида ариза билан мурожаат қилди.

Ўрганиш давомида, ариза муаллифининг 1975 йилдан 1992 йилгача мазкур ширкат хўжалигида тракторчи бўлиб ишлаганлиги, 1992 йил март ойида, иш пайтида жароҳат олганлиги, натижасда унга 2-гuruh ногиронлиги белгиланганлиги, нафақа пулларини "Маликчўл" ширкат хўжалиги томонидан тўлаб келинганлиги, 2009 ва 2010 йилларда нафақа пуллари ўз вақтида берилмаётганлиги аниқланди.

Туман прокуратурасининг аралашуви билан фуқаро Т.Саттаровга 2009 йилда ва 2010 йилнинг ўтган даврида тўланмасдан келинаётган 1 млн. 980 минг сўмлик нафақа пуллари ширкат хўжалиги томонидан тўлиқ тўланди.

Текшириш натижасига кўра, "Маликчўл" ширкат хўжалиги бош ҳисобчиси М.Темировага нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг тегишли моддаси билан жавобгарлик тўғрисида иш кўзгатирилди.

Раҳбарлик масъулияти нима бўлади?

Мен 25 йилдан буён катталар поликлиникасида ишлайман. 2007 йилда поликлиникамизга янги бош врач тайинланди. Бу одам аввал шундай лавозимда ишлаганида ЖКнинг 167-моддасининг 2-қисми ва 210-моддасида назарда тутилган жиноятларни содир этиб, прокуратура томонидан шиддан олиб ташланган эди. Шу йилнинг январь ойида эса, яна поликлиникага бош врач этиб тайинланди. Шунча жиноят содир этиб, яна мансаб курсисига ўтириш мумкинми?

Зулфия Турдиматова, Учқўрғон тумани

Ўзбекистон Республикаси Конституцияда жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча, у айбдор ҳисобланмайди, дейилади. Шу сабабли, мансаби ва иш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган жиноятни содир этишда суд ҳукми билан айбли деб топилган бўлса, орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан унинг яна мазкур лавозимга қайтиши мумкин эмас. Балки сиз тилга олган шахс оқланган ёки айби исботланмаган бўлиши мумкин.

Шахс қонунда белгиланган тартибда, айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади. Масалан, агар шахс муайян ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатлар содир этганини учун суд ҳукми билан айбли деб топилса, бу суд тайинлаган мuddат давомида айбдорнинг қоронгалар, муассасалар ёки ташкилотларда у ёки бу мансабни эгаллашни ёхуд у ёки бу фаолият билан шуғулланишни тақиқлашдан иборатлигини

билдиради. Ана шундай мансаб ёки фаолиятнинг тури суд томонидан айблов ҳукмида кўрсатилади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш ёки қамоқ жазосига қўшимча жазо тариқасида таллинланган бўлса, асосий жазо-нинг бутун мuddатига, бундан ташқари, суд ҳукми билан тайинланган мuddатга жорий этилади. Бу жазо бошқа асосий жазоларга қўшимча жазо тариқасида тайинланганда ва маҳрум шартли ҳукм қилинганда унинг мuddати ҳукм қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, суд ҳукми билан муайян жиноятни содир этишда айбдор деб топилган шахс судланган ҳисобланади.

Судланганлик жазо тайинланган, айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб ҳисобланади. Суд томонидан жазодан озод қилинган шахс судланмаган ҳисобланади.

Жазони ўтаган, аммо қонуннинг ўзгариши билан бундай

қилмиш жиноят деб ҳисобланмайдиган тақдирда, шунингдек, содир қилинган жиноят учун тайинланган жазонинг ўтаб бўлиши билан судланганлик ҳолатининг тугаланиши белгиланган бўлса, шахс судланмаган деб ҳисобланади.

Жиноят кодексининг 78-моддаси талаби бўйича, шахснинг судланганлик ҳолати қуйидаги пайтларда тугалланади:

а) шартли ҳукм қилинганларга нисбатан - сино мuddати тугаган кундан бошлаб;

б) хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тарзидаги жазоларини ўтаб чиққач;

в) жарима жазоси ижро этилган кундан кейин, шунингдек, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазолари ўталганидан кейин бир йил ўтгач;

г) қамоқ жазоси ўталганидан кейин - икки йил ўтгач;

д) беш йилдан кўп бўлмаган мuddатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин - тўрт йил ўтгач;

е) беш йилдан ортик, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган мuddатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин - етти йил ўтгач;

ж) ўн йилдан ортик, лекин ўн беш йилдан кўп бўлмаган мuddатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин - ўн йил ўтгач.

Бола вояга етгунча...

Бир аёл турмуш ўртоғи билан суд қарорига мувофиқ қонуний ажрашган. Ўрталарида вояга етмаган бир нафар фарзанлари бор. Фарзанли билан ўз отасининг уйида яшаб келаётган аёл 2009 йили автофалокатга учраб, вафот этган. Бобоси билан бувиси туман ҳокимининг қарорига кўра (отасининг розилиги асосида) болани васийликка олишган. Улар набираларини ўз фамилияларига ўтказиб олишса бўладими?

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган болалар қариндошларига туман ҳокимининг қарори билан ҳомийликка берилиб, уларга нафақа тайинланган. Ҳозирги кунда улар касб-ҳунар коллежида таълим олишмоқда. Уларга коллеж томонидан стипендия тайинланиши мумкинми?

О.Хушвақтов, Х.Тўраев, Муборак тумани

Бўлади. Бу масала васийлик ва ҳомийлик органи томонидан боланинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, ҳал этилади. Боланинг фамилияси, исми ва отасининг исмини ўзгариши Оила кодекс талаблари асосида бўлади.

Стипендия таълим муассасаларининг давлат

грантлари бўйича ва пулли контракт асосида кундузи ўқийдиган, давомати яхши бўлган талабаларга Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан қатъи назар, тўланадиган ойлик пул таъминоти (нафақа) ҳисобланади.

Меҳнат қилишга кафолат

Мен олдин металлургия комбинатида ишлаганман. 1994 йили жароҳат олиб, ишдан бўшам. Тўла соғайганимдан кейин яна аввалги жойга ишга кириш масаласида мурожаат қилдим. Аммо кадрлар бўлимидагилар, ишдан кетганларни қайтиб ишга олмаймиз дейишяпти. 2006 йилдан бери ишга кириш бўйича навбатда турибман. Шу тўғрисида?

Анвар Ҳоликов, Бекобод шаҳри

Амалдаги Меҳнат кодексининг 78-моддаси талаби бўйича, ишга қабул қилишни гайриқонуний равишда рад этишга йўл қўйилмайди.

Ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда, ходимнинг талаби билан иш берувчи ишга қабул қилишни рад этишининг сабабини асослаб, уч кун мuddат ичида ёзма жавоб бериши шарт. Бу жавоб ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан имзоланган бўлиши лозим. Асосланганлик жавоб бериш ҳақидаги талабларни қондиришни рад этиш ходимнинг ишга қабул қилиш гайриқонуний равишда рад этилганлиги устидан шикоят қилишга тўсик бўлмайди.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг. Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб беради. Саволларингизни «Huquq» газетасининг «info@huquq-gazeta.uz»

электрон почтаси орқали юборишингиз ёки

(8-371) 233-26-62 телефони орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Ўғлим контракт асосидаги ҳарбий хизматчи. Оилани. Икки нафар фарзанли бор. Лекин ўзининг ҳозирча турар жойи йўқ. Тезкиёни орқали оилаларга уй ёки уй-жой қуриш учун кредитлар берилаётганини ҳақида кўп гапириммоқда. Ўғлим ҳам уй қуриш учун кредит ола бўладими? Буниг учун нима қилиш керак?

Ҳолисон Сиддиқова, Улуғнор тумани

Кредит олса бўладими?

Ўғлингиз кредит олса бўлади. Бунинг учун унинг хизмат фаолияти Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 июлдаги 163-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Қурулди Кучларининг ҳарбий хизматчиларига узоқ мuddатли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартиралар сотиб олиш ва якка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ер участкалари ажратиш тартиби тўғрисида" Низоми талабларига мос келиши керак. Яъни, мазкур Низом талабига кўра, у камидан 10 календарь йил хизмат қилган ва янги контракт туганган, уй-жой билан таъминланмаган ёки уй-жой шартларини яхшилашга мурожат бўлиши лозим.

Квартира сотиб олиш ёки якка тартибда уй-жой қуришга узоқ мuddатли ипотека кредити олиш учун ҳарбий қисмининг турар жой комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш керак:

- дастлабки бадални олиш учун ҳарбий қисм командири номга рапорт;
- оиланинг таркиби тўғрисида турар жойдан маълумотнома;
- ҳарбий хизматчининг уй-жой билан таъминланиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжат ҳисобланадиган уй-жой аттестати;
- никоҳ тузилганлиги ва болалар туғилганлиги тўғрисидаги (болалари бўлса) гувоҳномаларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари;

- ҳарбий хизматчининг пул таъминоти ва у билан бирга яшайдиган оила аъзоларининг иш ҳақи, доимий иш жойи бўйича (доимий иш жойи бўлган тақдирда) кейинги 12 ой учун амалга оширилган чегирмалар миқдори тўғрисидаги маълумотнома ёки яшаш жойи бўйича давлат солиқ хизмати органи томонидан тасдиқланган ўша давр учун оила аъзоларининг даромадлари тўғрисидаги декларацияларнинг нусхалари;
- календарь бўйича ҳисоблаб чиқилган узоқ мuddатли хизмат тўғрисидаги маълумотнома;
- ҳарбий қисм командирининг контракт тузилганлиги тўғрисидаги буйруғидан кўчирма.

Ҳарбий хизматчи учун дастлабки бадални тўлаш тўғрисида ижобий қарор қабул қилинган тақдирда, турар жой комиссиясининг қарори зарур ҳужжатлар илова қилинган ҳолда икки кун мuddатда тегишли вазирликнинг марказий турар жой комиссиясига кўриб чиқиш учун юборилади.

Дастлабки бадални тўлашнинг рад этилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, ҳарбий қисмининг турар жой комиссиясининг қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир кун мuddат ичида сабабларини кўрсатиб, ҳарбий хизматчини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилади.

Имтиёз борми?

Давом 1959 йили тутилган. 25 йил давомида тракторчи бўлиб ишлаган. Пенсияга чиқса бўладими?

Ийигитали Бурханов, Дўстлик тумани

"Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида" ги Қонуннинг 2010 йил 31 декабрига қадар амалда бўлган 12-моддасининг "б" бандига мувофиқ, охириги иш жойидан қатъи назар, бевосита қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштиришда банд бўлган, иш стажы камидан 25 йил бўлиб, бундан камидан 20 йили ҳўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тракторчи-машинистлар умумий белгиланган ёшни (эркаклар 60 ёш) 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлар эди. Бироқ, амалдаги қонун нормаларининг янада такомиллаштирилиши муносабати билан 2011 йил 1 январдан қиритилган ўзгаришларга кўра, мазкур имтиёз бекор қилинган.

Тўловнинг аниқ миқдори қанча?

Менин яқин бир ўртоғим фарзанли бўлди. Шу муносабат билан у тутилганлик ҳақида гувоҳнома олмақчи бўлганида, кимлар ҳозир гувоҳнома олиш учун тўлов олиб кетган, дебди. Яна кимлар эса, ўттиз мингдан элик минггача бўлган деяпти. Аслида бу миқдор қанча бўлган?

Сувон Раимов, Ташкент тумани

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли қарори билан тасдиқланган "Давлат божи ставкалари"нинг "г" бандида белгиланишича, туғилганлик ҳақида, никоҳни қайд этганлик, никоҳни бекор қилганлик тўғрисида, ўлганлик ҳақида ёзувларнинг ўзгаририлганлиги, уларга қўшимчалар қиритилганлиги, тузатирилганлиги ва қайта тикланганлиги муносабати билан гувоҳномалар берганлик учун энг кам иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида бож ундирилади.

Республика Бош прокуратураси
бўлим прокурори
Аббарали ЮСУПОВ

Замонавий аёл:

у қандай бўлиши керак?

Аслида аёл зоти ҳар ерда, ҳамма даврда ҳам, ҳар қандай мураккаб соҳаларда, хоҳ у давлат бошқаруви бўлсин, хоҳ иқтисодиёт ёки оиласида ўзининг аёллик таровати, ақлу фаросати, қолаверса, меҳнати, иродаси, фидойилиги ва табиат инъом этган донолиги билан доимо ўз ўрнига эга бўлган. Тарихда юрт равнақи, миллат келажаги учун фидойилик қилган не-не аёллар яшаб ўтишган. Улар давлат бошқаруви билан бирга нафосат, фаросат, меҳру самимият билан ишонч ва ҳурмат қозонишган. Энг асосийси эса, улар оиладаги бурч ва вазифаларини ҳам унутишмаган. Ана шу жиҳатлари билан шарқ аёли ҳаммаша устун ва қадрили бўлиб келган.

Бизнесвумен — ишбилармон, тadbиркор аёл. Бугун бу сўз ўзбек аёли учун бегона эмас. Уддабурон, тadbиркор, фидойи аёлгина эътибор қозона олади, ҳаётда янгилик яратиб, атрофдагиларга ёрдам беришга қодир бўлади. Бугун юртимизда бундай аёлларнинг сафи тобора кенгайиб бормоқда. Саҳифамиз меҳмони ҳам нозик жинс вакили бўлишига қарамай, ҳаётда талай ютуқларга эришган, яқинлари, ҳамкасблари-у шогирдлари ва қанчадан-қанча тadbиркорликка иштиёқманд аёлларнинг меҳри, эътибори ва ишончига сазовор бўлган аёллардан бири Зулфия Тўхтаходжаевадир.

Тўхтаходжаева Зулфия Тўхтаева — Ўзбекистон Хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотларининг "Меҳр" бирлашмаси раиси, Ўзбекистон "Тadbиркор аёл" уюшмасининг фаол аъзоси, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети инглиз тили лексикологияси кафедраси доценти, "Имкон" маслаҳат маркази директори ва энг муҳими оддий ўзбек аёли. Қаҳрамонимиз билан бугунги кун аёли, унинг фаолияти ва орзу-ўйлари ҳақида суҳбатлашдик.

— Бугунги кун аёли сизнингча қандай бўлиши керак?

— Бугун етарли шароит ва имкониятлар, кучли рақобат ва тезкор даврда яшашимиз. Бугуннинг аёли билимли ва салоҳиятли бўлиш билан бирга, маънавиятли, уддабурон ва замон билан ҳам ҳамнафас бўлиши керак, менимча. Зеро, у, давр қанчалик ўзгармасин, аввало, келажақ ав-

Аёл... Кўпинча унга оғизга дея баҳо берамиз ва назаримда, бироз янгилашамиз. Аслида рисоладагидек аёл бўлиш, фарзандларни дунёга келтириб вояга етказиш, уларни юрт учун керакли шахслар қилиб тарбиялаш, жамиятнинг қайсибир қайноқ бўғинида масъулият ва жавобгарликни ҳис этиб, фаолият юритиш оғизларнинг қурби етказган иш эмас. Гарчи у нозиккина жуссага эга бўлса-да, метин иродаси, дарёдай тошқин меҳру муҳаббати билан ҳаётимизни чаргон этиб туради, бахтли кунларимизда биздан-да кўпроқ қувонади, бахтсиз онларда эса биздан-да кўпроқ қунонади. Балки шунинг учун бўлса керак, бундай пайтларда беихтиёр унга талпинамиз, таянамиз, гўё у барча дардларга малҳамек. Ҳа, аёлни бежиз бунчалар кўп улауғламаймиз, асраб-авайламаймиз. Ахир у қалбимиз юпанчи, ишончи суянчимиз, беминнат ва доно маслаҳатгўйимиз, бугун ва эртанимиз учун дахлдор ва мўътабар зот. Назаримда, Аллоҳ аёл зотини энг кучли қилиб яратган-у, унга чирой ва нафислик бахш этиб, суратан оғизга қилиб қўйгандек.

лоднинг яратувчиси ва тарбиячиси, қолаверса, мустақил давлат фуқароси. Юртимизда эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги Конституция-мизда белгилаб қўйилган, иккала жинс вакиллари учун ҳам ўқиш ва ишлаш шароитлари етарли. Аёл киши ана шу шароитлардан фойдалана олиши, ўз режа ва гоёларини амалга оширишга ҳаракат қилиши керак. Чунки, бугунги кун аёлининг имкониятлари фақатгина бола тарбиялаш ва ўй бекаси мақоли билан ўлчанмайди. Биласизми, агар аёл истаса, ҳаракат қилса, ҳаммасига улгуради. "Эркак кишига қирқ хунар оз" дейилган мақолини мен аёллар учун ҳам қўллаган бўлардим. Чунки ҳақиқатдан ҳам аёл кишида иштиёқ бўлса, унга қирқ хунар ҳам озлик қилади, айниқса, бугунги кун аёлига.

— Тadbиркор аёлларнинг кўпайиши жамият учун қандай аҳамиятга эга?

— Жамиятда тadbиркор аёлларнинг кўпайиши — мамлакат, жамият фаровонлигининг қафолатидир. Маълумки, бугун Ўзбекистон аҳолисининг 51 фоиздан кўпрогини хотин-қизлар ташкил қилади, аммо тadbиркорлик соҳаси билан кўпроқ эркаклар шуғулланади. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор. Чунки аёл кўпроқ вақти, эътибори ва кучини асосан оиласига, фарзандлари тарбиясига бағишлайди, яъни унинг оиладаги бурч ва вазифалари эркакларникидан анча-мунча фарқ қилиши билан бирга, масъулиятни ҳам талаб қилади. Шундай бўлса-да, вақти, имконияти, билими

аёллар эркаклардан фарқли ўлароқ, асосан 35 ёшдан кейин тadbиркорлик билан шуғулланишга киришар эканлар. Ўйлашимча, агар хотин-қизлар тadbиркорликка ёшлиқдан қизиқтирилса, уларнинг иқтидори ва имкониятлари вақтида тўғри йўлга солиниб, керакли маслаҳатлар берилса, бу кўрсаткичлар яна ҳам юқори бўлади.

— Янги иш бошлаган тadbиркор аёл учун ҳуқуқий саводхонлик муҳим шартлардан бири. Бу ҳақда нима дея оласиз?

— Албатта, тadbиркор ким бўлишидан қатъи назар, у хоҳ аёл ёки эркак бўлсин, ҳуқуқий саводхонлик энг зарур шартлардан бири ҳисобланади. Тасаввур қилинг, дейлик сиз маблаг топиб, барча шароитларни ҳозирлаб, режа асосида иш бошладингиз. Аммо ишлаб чиқарувчи, истеъмолчи, боринг-ки, ана ҳамкор сифатида ўз ҳақ-ҳуқуқларингиз, бу борадаги мавжуд қонун ҳужжатлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмассиз. Табиийки, бундай ҳолатда қўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Тadbиркорлик нафақат моддий асос ва ҳаракат, балки мукамал билан ва салоҳиятни ҳам талаб этади. Сўнгги пайтларда ҳуқуқимиз томонидан тadbиркорларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мақсадида турли қонун ва қонунсоти ҳужжатлари яратилиб, ҳаётга жорий этилди. Масалан, 2000 йилда қабул қилинган "Тadbиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисидаги" Ўзбекистон Республикасининг Қонун, 2005 йилдаги "Тadbиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини тақомиллаштириш тўғрисидаги" ҳамда "Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантириш тақомиллаштириш тўғрисидаги", айнан аёллар тadbиркорлиги соҳасида 2004 йилда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Президент Фармонлари тadbиркорлик фаолиятининг қонуний асослари ҳисобланади. Бундай қонун ва ҳуқуқий билимларни ҳар бир тadbиркор яқини билиши керак. Бу борада қишлоқ жойларда аёлларни тadbиркорликка жалб этиш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида "Тadbиркор аёл" уюшмаси, Республика Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда эса вилоятларда турли ўқув семинарлари, тренинг дастурлар ташкил қилмоқдамиз. Шунингдек, мутахассислар томонидан қишлоқ аёлларига тadbиркорликка оид бизнес режа тузиш, моддий маблағ манбаларини қандай топиш йўллари ҳақида маслаҳатлар, ҳуқуқий билим ва тавсиялар ҳам бериб бораёلمиз. Менимча, ҳар бир вилоят



ва туманларда тadbиркор хотин-қизлар учун саводхонликни оширадиган маслаҳат ва ресурс марказлари ташкил қилиш, тadbиркорликни қишлоқ ёшлари, хусусан, хотин-қизлар орасида тарғиб қилиш, уларни меҳнатга жалб қилиш керак.

— Сизнингча аёл бахти нимада?

— Аёл кишини ҳамма нарса бахтли қилиши мумкин. Қачонки, у ўз сеvimли иши билан шуғулланса, олий маълумот олиб, яқин инсонга турмушга чиқса, оиласи тўқис бўлса, атрофида уни қўллаб-қувватлагувчи яқинлари, ҳамнафаслари бўлса, қўйинки, орзу-ниятларига эришса... Буларнинг барчаси аёлнинг бахти.

Назаримда аёл киши қанчалик кўп ҳаракат қилса, изланса, у кўпроқ бахтли бўлади. Чунки ҳар бир қилган яқини иши унга қувват беради, одамларга керакли эканини ҳис қилади. Эътибор берганимиз, жамоат ишларидан фаол, тadbиркор аёллар ҳам оилага, ҳам ишга, ҳам жамоат ишларига, барчасига улгуради ва энг муҳими, иши қўпчилигидан, вақти етишмаётганидан нолимайди. Чунки истак, иштиёқ бўлса, вақт ҳам, имкон ҳам, куч ҳам топилади.

Мен бахтли аёлман. Гарчи болаларим осон кечмаган бўлса-да, тақдир мендан ўз тухфаларини аямасди. Асосийси, мени ҳаммаша тушунадиган, олижаноб инсонга турмушга чиқдим, олийгоҳда ўқиб, олий маълумот олдим. Кейинчалик оиламнинг мадади билан аспирантурига ҳам талонлама, университетда дарс бера бошладим. Европанинг Ўзбекистондаги қўллаб-қувватлаш ва лойиҳаларига координаторлик қилдим, ҳозир университетдаги илмга чанқок, изланувчан ҳар бир талабам менинг бахтим. Биласизми, аёлнинг қудрати чексиз. Унга эркинлик билан бирга, озгина мадад берилса, қўллаб-қувватланса бас, у ҳар қандай мураккаб ишининг ҳам уддасидан чиқа олади. Орузим, ҳар бир аёл ўз орзусига, мақсади ва режаларига эришин. Зеро, аёлнинг орзуси фарзандларининг камоли, оиласининг тотувлиги ва албатта, эзгулик билан боғлиқ бўлади.

— Қизларни ва мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!

Баргида МҮМИНЖОНОВА
суҳбатлашди



Қонунчилик ташаббуси: хорижий тажриба ва миллий амалиёт

Қонун ижодкорлиги, яъни қонун чиқариш давлатнинг махсус ваколатли органи томонидан амалга оширилиб, бунда давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи бўлиши халқ иродаси қонун шаклида рўйбга чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тарихига мурожаат қилсак, 1989-2010 йиллар мобайнида жами бўлиб 708 та қонун қабул қилинган ва шундан 277 тасининг қабул қилинишининг икки палатали парламент даврига тўғри келади. Бугунги кунда амалда бўлган 599 та қонундан 271 таси икки палатали парламент шакллантирилганидан сўнг қабул қилинган. Президентимиз томонидан 4261 та фармон, 1455 та қарор ва 3549 та фармойиш қабул қилинган бўлса, Вазирлар Маҳкамасининг 1991-2010 йиллардаги қарорлари 9277 тани ташкил этади.

Юқоридаги қонун ва қонун-ости ҳужжатларининг барчаси мамлакатимиз фуқаролари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгандир.

Муҳтарам Президентимиз Олий Мажлис палаталарининг қўша мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" номи маърузасида қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базадаги камчилик ва нуқсонларга имкон қадар тезроқ барҳам бериш, ҳуқуқни қўллаш амалиётида гоят жиҳидий ўзгаришларни жорий этиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органларининг фаолиятида фақат ва фақат қонунга риоя этилишини таъминлаш биз барпо этаётган ҳуқуқий давлатни шакллантиришда нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган эдилар.

Қонун ижодкорлиги фаолияти натижасида қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларни ягона тизимга солиш, уларнинг мантқиқий боғлиқлиги ҳамда ўзаро яхлитлигига эришиш, энг асосийси, уларни аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлаш муҳимдир.

Прокуратура органлари қонун ижодкорлиги фаолиятини қонунни қўллаш билан боғлиқ юзага келган ҳуқуқий бўликларни тўлдирши, ишламаётган қонун нормаларини аниқлаш, ижтимоий ва ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишдаги муаммоларни бартараф этиш ҳамда парламентга давлат ва жамиятини ривожлантириш ишларига кўмаклашувчи қонун лойиҳаларини киритиш орқали амалга ошириб келмоқда.

Президентимиз томонидан эълон қилинган концепцияда белгилаб берилган устувор вазифалар прокуратура органларининг қонун ижодкорлиги фаолиятидаги иштирокининг самарадорлигини оширишни талаб этади. Билмизми, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг қонун ижодкорлигида иштироки

туциямизнинг 83-моддасида мустаҳкамланган.

Прокуратура органларининг қонун ижодкорлиги фаолиятига доир хориж амалиётига назар солидиган бўлсак, уларнинг кўпчилигида прокуратура органларига қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш ҳуқуқи берилмаганлигини кўришимиз мумкин.

Европанинг Австрия, Болгария, Буюк Британия, Германия, Греция, Испания, Италия, Польша, Португалия, Руминия ва Осийнинг Монголия, Эрон ҳамда МДҲнинг Россия, Молдова, Беларусь, Арманистон каби давлатларининг Конституцияларига кўра, ушбу давлатларнинг Бош прокурорлари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти мақомига эга эмас.

Вьетнам Социалистик Республикасининг Конституциясига кўра, мамлакатнинг бир палатали парламенти бўлиши Миллий Мажлисига 7 та субъектлар билан бир қаторда мамлакатнинг Олий халқ прокуратураси ҳам қонун лойиҳаларини киритиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасида "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг 4-моддасига қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналиши сифатида киритиб қўйилган. Айрим республикалар қонунчилигида, мисол учун, Озарбайжон Республикасининг 1999 йил 7 июлдаги "Прокуратура тўғрисида"ги, Арманистон Республикасининг 1998 йил 1 июлдаги "Прокуратура тўғрисида"ги, Молдова Республикасининг 2003 йил 14 мартдаги "Прокуратура тўғрисида"ги, Украинанинг 1995 йил 20 январдаги "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунларида ушбу давлатлар прокуратура органлари фаолият йўналишига қонун ижодкорлиги функцияси умуман киритилмаган.

Беларусь Республикасининг 1993 йил 29 январдаги "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунининг 9-моддаси - "Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи" деб номланиб, унда Бош прокурор Беларусь Республикасининг Олий Кенгашида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эгаллиги белгиланган.

Қозғистон, Туркменистон Республикаларининг прокуратура тўғрисидаги қонунларида Бош прокуратурага қонун ижодкорлиги фаолиятида белгиланган тартибда иштирок этиш функцияси берилган.

"Россия Федерациясининг прокуратураси тўғрисидаги" федерал қонунининг 9-моддасида прокуратура органларининг қонун ижодкорлиги фаолиятида иштироки масаласи тартибга солинган бўлиб, прокурор ўзининг ваколатларини амалга оширишда белгиланган тартибга биноан амалда бўлган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни тақомиллаштириш зарурати вужудга келганда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган органларга қонун ва қонуности ҳужжатла-



рини қабул қилиш ёки ўзгартириш, тўлдирши ва қўшимчалар киритиш ҳақида таклиф бериши белгиланган. Аммо, мамлакат Конституциясига мувофиқ, Россия Федерациясининг Бош прокурори парламентга тўғридан-тўғри қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга эмас. Прокуратура Федерал органларининг ижро ҳокимиятлари, федерация субъектлари ҳисобланган давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари мансабдор шахсларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини антикоррупциявий экспертизадан ўтказиш ваколатига эга.

Тожикистон Республикасининг бу борадаги қонунчилигида ҳам Бош прокуратурага мамлакат парламентга тўғридан-тўғри қонун лойиҳаларини киритиш ваколати берилмаган ва бу ҳуқуқ тегишли тартибда фақат қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари орқали амалга оширилади.

Конституцияга биноан Бош прокуроримиз томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда, 2009-2010 йиллар мобайнида мамлакат парламентига Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш, шунингдек, жамият ҳаётининг бошқа соҳаларини тартибга солишга қаратилган 17 та қонун лойиҳаси киритилиб, улар тегишли тартибда қабул қилинган.

Бош прокурор томонидан муҳокама учун тақдим этилган "Жиноят ишчини юритиш чоғида қамокда сақлаш тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида биринчи ўқийда қабул қилинди.

Қонун ижодкорлиги соҳасидаги ислохотлар давлат сиёсатининг муҳим таркибий бўғини ҳисобланган ҳуқуқий сиёсатнинг ажралмас қисми сифатида намоён бўлади. Бу соҳадаги оқилона, асосли ишлаб чиқилган давлат сиёсатининг мавжудлиги ҳуқуқий ислохотлар муваффақияти гаровидир.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидан келиб чиқиб қонун ижодкорлигини тақомиллаштириш учун қуйдагиларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

Адҳам ОДИНАЕВ,
Бош прокуратура
ОЎК катта ўқитувчиси

Тўртинчидан, мамлакатда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва фуқароларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш учун референдум ва умумхалқ сўрови шаклидаги халқнинг бевосита ҳуқуқий ижодкорлигини фаоллаштириш лозим.

Биринчидан, қонунчиликни миллий-ахлоқий анъаналарга содиқлик рўҳида ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, яъни жамоатчилик назоратига бўйсунмаётган ахлоқ нормаларини ҳуқуқ нормаларига айлантиришга эътиборни кучайтириш лозим.

Иккинчидан, қонунчиликнинг илмий асосланганлик даражаси юқори бўлиши керак. Бунинг учун эса қонунни тезлик билан эмас, балки ҳар томонлама маромига етказиб ишлаб чиқиш керак.

Учинчидан, ҳар қандай қонун замирида учта мезон - тўғрилиқ, гўзаллик, адолатлик бўлиши кераклиги (Абу Наср Форобий) тўғрисидаги сиёсий-ҳуқуқий таълимотга асосланган ҳолда қонун ижодкорлигида халқчиллик, демократизм, илмий характерга эгаллик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан ўзвий боғлиқлик каби принципларга тўлиқ риоя қилиш даркор.

Бешинчидан, Президентимиз айтганларидек, "Давлатнинг куч-қудрати аввало, демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиши, Фуқаролар ва жамиятнинг барча сиёсий, ижтимоий салоҳиятини рўйбга чиқариш, тadbиркорлик ва иқтисодий ташаббуслар эркинлиги учун зарур имкониятларни ташкил этиб бориш қобилияти билан ўлчанади". Шунинг учун мазкур соҳаларни ривожлантириш ва тақомиллаштиришга қаратилган қонунчилик ижодкорлигида жиҳидий эътибор қаратиш зарур.

Олтинчидан, мавжуд халқаро Конвенцияларнинг мазмун-моҳиятини миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалалари янада кучайтирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хулоса шуки, прокуратура органлари ушбу талаблардан келиб чиқиб, парламентга киритадиган қонун лойиҳалари қонунчиликни янада мустаҳкамлашга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашни кафолатлашга хизмат қилади.

Ишонч телефонлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тadbиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тadbиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашда қўнбўзилиш, бюрократик тўсиқликлар ва сансалорингизга йўл қўйилган тақдирда, Сиз тadbиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги Солик, валютга оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар прокуратураларининг қуйдаги "Ишонч телефони" рақамларига ёки «007» қисқа рақамига қўнғироқ қилишингиз мумкин.

№	Прокуратура органлари	Ишонч телефонлари
1.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	Код: 8371 232-43-91 232-45-40
2.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги СВОЖДКДКК Департаменти	Код: 8371 233-84-20
3.	Андижон вилоят прокуратураси	Код: 8374 224-06-09
4.	Бухоро вилоят прокуратураси	Код: 8365 223-74-79
5.	Жиззах вилоят прокуратураси	Код: 8372 226-09-62
6.	Қашқадарё вилоят прокуратураси	Код: 8375 221-07-82
7.	Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси	Код: 8361 222-26-39
8.	Навоий вилоят прокуратураси	Код: 8436 225-07-17
9.	Наманган вилоят прокуратураси	Код: 8369 226-23-02
10.	Самарқанд вилоят прокуратураси	Код: 8366 235-07-34
11.	Сирдарё вилоят прокуратураси	Код: 8367 223-38-22
12.	Сурхондарё вилоят прокуратураси	Код: 8376 223-20-36
13.	Тошкент шаҳар прокуратураси	Код: 8371 273-74-81
14.	Тошкент вилоят прокуратураси	Код: 8371 277-76-18
15.	Фарғона вилоят прокуратураси	Код: 8373 224-04-80
16.	Хоразм вилоят прокуратураси	Код: 8362 227-45-71

Бундан ташқари, фуқароларнинг илтимос ва мурожаатларини қундалиқ навбатчилик асосида қабул қилиш бўйича барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари ташкил этилган.

Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Вояга етмаганлар ҳимояси – долзарб масала

Юртимизда болалар ва ўсмирларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш уларнинг назоратсизлиги ҳамда қаровсизлигининг олдини олиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка барҳам бериш борасида кенг қамрован ишлар олиб боришмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг "Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида"ги Қарори шу йўналишдаги ишларнинг самодорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Худудлардаги комиссиялар ишида масъул котибларнинг ўрни ҳам беқийёс эканлигини ҳисобга олиб, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг "Йилнинг энг яхши масъул котиби танловини ўтказиш тўғрисида"ги фармойиши қабул қилинди. Шу асосда ушбу танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда вилоят ҳокимлиги, халқ таълими, ички ишлар бошқармалари, вилоят прокуратураси вакилларидан ташкил топган таркибий кўмита аъзолари вилоятимиздаги шахар, туманлар ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар

масъул котибларнинг билимини синовдан ўтказишди. Тест саволлари ва соҳа бўйича савол-жавоблар натижасига кўра Хонобод шахар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия масъул котиби Шерзодбек Назиров биринчи ўринга лойиқ деб топилди.

Шерзодбек Назировни муваффақият билан табриклаб, сўхбатга чорладик.

— Вояга етмаганларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари улар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олади. Бу борада комиссия ва шахар прокуратурасининг ташаббуси билан Мудоафага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти қoшида ёпилиб кетган ва фаолияти тўхтатилган "Картинг" ва "Мотокросс" спорт техника тўғаригининг фаолияти қайта тикланди.

Шунингдек, шахардаги "Анджонкабель" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасининг

ҳомийлигида ўқувчилар жодиёт маркази қайта ташмирланиб, ҳозирда 150 нафардан ортик болалар мунтазам равишда ушбу маскандаги тўғарак машғулотларига қатнашишмоқда.

Комиссия томонидан фаолиятнинг тўғри йўлга қўйилганлиги натижасида ўтган йили вояга етмаганлар ўртасида гиёҳвандликка чалиниш, спиртли ичимликларга ружу қўйиш, норасмий диний оқимларга кириб кетиш каби ҳолатлар қайд қилинмаган. Шу билан бирга, 2009 йилга нисбатан 2010 йилда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик содир этиш ҳолатлари кескин камайган.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида ҳам бир қатор ишлари амалга оширибди. 2009-2010 йил ўқув йилида касб-ҳунар коллежларини жами 1032 нафар битирувчи тамомлаган бўлса, ҳозирга қадар улардан 960 нафарининг бандлиги таъминланиб, 39 нафари республикамизнинг турли олий ўқув юртиларига ўқишга қабул қилинган.

Битирувчиларни ишга жой-

лаштириш масаласини ҳал қилишда асосий эътибор кам таъминланган оилалар фарзандларига ҳамда ўрта-максус касб-ҳунар таълими жараёнида ўзининг намунали ўқиши ва хулқ-атвори билан ажрალიб турган талабаларга қаратилди. Ҳозирда ушбу битирувчиларнинг барчаси билан корхона ўртасида меҳнат шартномалари тузилиши таъминланди.

Шунингдек, шахар прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Таълим муассасалари битирувчиларини тadbirkorлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-таdbirkorлик тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида битирувчиларнинг 43 нафари яқка тартибда тadbirkorлик фаолиятини амалга ошириш учун давлат рўйхатидан ўтказилиши таъминланди, фаолият кўрсатмоқдалар.

Ҳозирда ушбу битирувчиларнинг барчасига "Микрокредитбанк"нинг Хонобод филиали томонидан имтиёзли кредитлар расмийлаштириб берилиши юзасидан тегишли ҳужжатлар тайёрланиб, улар-

Ойбек КАРИМОВ,
Анджон вилоят прокуратурининг ёрдамчиси

нинг 20 нафарига имтиёзли кредитлар берилди.

Ана шундай кредит олганлардан бири Хонобод шахрида яшовчи Исмоновнинг икки нафар ўғли бўлди. Хонобод компьютер технологиялари коллежиде бизнесга йўналтирилган ихтисослик бўйича ўқиган ака-ука, ҳозир ўзларининг кичик бизнесларини бошлашган. "Микрокредитбанк" Хонобод филиалидан уларнинг ҳар бири 2 млн. 200 миңг сўмдан кредит олиб, чорва боқиш билан шуғулланмоқда.

Бундан ташқари, ўтган йили ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасида ёшларнинг бандлигини таъминлаш масаласида алоҳида эътибор қаратилди. Ярмарка натижаларига кўра, 15 нафар касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ишга жойлаштирилиб, бандлиги таъминланди.

Бундай ёшлар доимо эътиборимизда. Зеро, эртанги кунимизнинг эгалари ана шулар эмасми?

Бугун биз ҳар қандай оламшумул вoқеаларни тезла ўзлаштириб, тезла унуталиган, ўткир сиёсий-оммавий ҳодисалар жараёни жазал суръатларда ривожланиб, ҳар бир давлатни ҳушёр бўлишга даъват этадиган даврда яшamoқдамиз. Кўпчилик сиёсатчилар, жамиятшунос олимлар, шарҳловчи ва журналистларнинг фикрига кўра, бу давр технотен ва сиёсий глобаллашувнинг энг юқори даражасида деб изоҳланмоқда. Ана шундай глобаллашув жараёнида дунёдаги жамки халқлар ҳаётида тушуниб бўлмайдиган, уларнинг тарихида ривожланган миллий маданиятнинг унсурларини ўзгартириб юборадиган, халққа ёт бўлган одат ва кўникмаларни пайдо қилмоқда. Ҳар қандай глобаллашув ҳам жамиятда ажралиш ёки бўлиниш ҳолатини ярата олади, чунки анъанавийлик ва замонавийлик ўртасидаги кураш жамият аъзоларини ҳар хил томонларга етаклиши мумкин. Давлатимиз ҳам дунёда юз бераётган ана шундай анъанавийлик ва замонавийлик ўртасидаги зиддиятлардан четда тургани йўқ. Ҳўш, ҳозирги кунда жаҳонда рўй бераётган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий жараёнларнинг ҳар жиҳатдан ўзаро боғланиб, интеграциялашиб бораётганини инфoловчи "глобаллашув" тушунчасининг луғавий маъноси нима? "Глобаллашув" тушунчасининг ўзгаи бўлиши "глобал" сўзи француз тилидан олинган бўлиб, "ялли, умумий, ҳар томонлама" деган маъноларни беради. Демак, "глобаллашув" тушунчаси "умумийлик, умумбашарий" каби ижтимоий нормаларга тўла со келади.

Глобаллашув жараёни стихияли тарзда юзага келган ҳодисалар оқибати эмас. Бундай мураккаб жараён у ёки бу шаклда дeяри жамият тараққиётининг барча бoсқичларида мавжуд бўлган. Фақат бугунги кунга келиб, ижтимоий-сиёсий ва технолоик тараққиёт таъсири натижасида унинг моҳияти ўзгача кўринишга эга бўлди. "Глобаллашув" тушунчасига яқин бўлган, аммо моҳиятан фарқ қилувчи тушунча "глобализмдир". Бу тушунча айрим шахслар, ижтимоий гуруҳлар, давлатларнинг ўз манфаатларига со равишда глобаллашув сиёсатини амалга ошириш борасидаги фаолиятини аке этиради. Бугунги кунда айрим ижтимоий жараёнларни кузатар эканмиз, улар "оммавий маданият" гегемониясининг кўрсаткичларига со равишда кечаётганини тан олишга мажбурмиз. "Оммавий маданият" гегемониясининг махус ишлаб чиқилган ва моҳирона амалга оширилган операциясининг асосий мақсади инсонлар онтидаги соғлом ақлни бартараф этишдир. Соғлом ақл "ўчирилган", инсонни ақл бoвар қилмас афсона ва уйдирмаларга ҳам ишонтириш мумкин бўлади. Айни пайтда жаҳонда кенг тарқалган ана шундай сохта мафқуралардан бири "евроцентризм" деб

Глобаллашув ва биз

Шавкат КОДИРОВ,
Навоий Давлат педагогика институти тарих факультети талабаси

аталади. Номидан ҳам кўриниб турганидек, унда Ғарб маданиятидан андоза олиш, унга тақдид қилиш тараққиётнинг бош омили эканлиги ўқтирилди. Евроцентризм ҳаммабoлиқка даъво қилаётган мафқура бўлиб, унга кўра, дунёдаги барча халқлар бир хил тараққиёт йўлини бoсиб ўтадилар, фақат ҳозирги кунда улар тараққиётнинг турли бoсқичларида турганликлари бoс, бир-бирларидан фарқ қилдилар. Ҳў тараққиёт йўлини таълаётган халқларга нисбатан евроцентризм мафқурачилари "Ғарб олами изидан бoриш энг тўғри йўлидир", дeя "маслаҳат" берадилар. Евроцентризм мафқурасининг яна бир даъвосига кўра, капитализм кудратли ишлаб чиқарувчи кучларни шакллантириши бoс, Ғарб ўз тараққиётини бoшқалардан анча илгарилаб кетди. Тараққиётда Ғарбдан орқада қолган халқлар эса унга етиб олишлари учун ўз мамлакатларида айнан Ғарб намунасидаги капитализмни қарор топтиришлари зарур эмиш. Ушбу мақсад замирида айнан маданият гегемония ўрнатил яширингани ҳам унутмаслик лoзим. Моддиётта бeрилиш, нафсин қондириш, буюмпарастилик каби қадриятларнинг сингдирилиши иқтисодий жараёнларни янада тезлаштириди, чунки барча нарсa сотиш ва сoтиб олиш мумкин бўлган товарга айлантирилди. Шунга айтиш мумкинки, бугунги кунда жамият ҳаётининг барча соҳаларида савло-сотик муносабатлари асосий ўринни эгалламоқда, "емак ва томошасай" шiori асосида инсонларда истeъмоличлик рудийти авж олдириляпти, "инсоннинг ҳамсини қeрдада бўлса, қалби ҳам ўша ерда" деган ҳолатоқли гоя сингдирилмоқда. Молпарастилик ва худбинликнинг шу тарихда оммавий қадрият сифатида тикштирилиши эса инсон маънавиятини қашшоқлантириб, "оммавий маданият" гегемониясини ўрнатил учун қулай шароит яратилиши таъминланди ҳамда халқнинг маданият ўзгаига тажовуз қилинади. Бунинг учун ҳарбий қурол-ас-

лаҳлардан фойдаланиш талаб этилмайди, балки кўп сонли китоб ва рисолаларда, журнал ва газеталардаги мақолаларда маданият ўзакни кўпорувчи вирус-ғояларни тарқатишининг ўзи кифоя.

Бу жараённинг қабих моҳиятини билмаслик, ақолиннинг унга қаршилик кўрсатмаслиги оқибатида жамиятда "пассив ичкилоб" вужудга кeлади. Бундай ичкилоб, асосан, зeйиллар онтида юз бeрадиган бўлса (чунки вирус-ғоялар билан тўдирилган алабeтлар билан биринчи навбатда улар таннишадилар), жамиятда яшайдиган бошқа одамлар онтида ҳам амалга ошиши ҳеч гап эмас.

Тарихий хотирани сусайтириш, жамиятдаги бирдамликка пугур етказиш, анъанавий ижтимоий институтларни емириш, халқни маънавий илдилашдан маҳрум етиш, соғлом ақлни "ўчириш" каби усулларини тақдид қилаётган ушбу ҳарақат раҳнаомлари бу жараённи янги йўналишлар-ахлоқсизликни тарғиб қилиш, инсоннинг энг тубан майллари, ҳайвоний ҳирслари, нафсини кўзгаш билан янада "бoйитдилар". Статистик маълумотларга қараганда, кўкларга кўтариб мақталаётган "оммавий маданият" таъсирида дунё бўйича ҳар йили 18 ёшгача бўлган ёшлар зўравонлик ҳарақатлари аке еттирилган 200 миңга яқин кинофильмларни кўриш оқибатида турли хил кўринишдаги жиноятларни содир етмоқдалар.

Бундан ташқари, ҳар йили АҚШда 200 миңга яқин бeсоқoлбoллар Лос-Анжелес кўчаларида бeҳаёликнинг тарғиб қилувчи намоийшлар ўтказдилар.

Бундан кўринадики, "Маданий гегемония негизида инсонни мустақил фикрдан маҳрум қилиш, уни ўзлигини унутган кимсага, манкурта айлантириш мақсади ётибди".

лаб бир қаторда, ўзига хос белгиларини англаб етилиши, кўпчилик томонидан эътироф қилиниши мумкин бўлган умумбашарий қадриятларни тақдид етиш ҳамда зарурят туғилганда уларнинг ҳимоя этилиши каби шароитлар мавжуд бўлгандагина амалга ошириши мумкин. Шу ўринда фалсафа фанлари номзоди, Фарида Юлдошевнинг бир фикрини келтириб ўтиш айни мудоао бўлади: "глобаллашув" шароитида қадриятлар трансформацияси билан бoлиқ бўлган масалалардан яна бири анъанавий миллий қадриятларни ҳимоя қилиш механизминини ишлаб чиқишдир. Бу соҳадаги асосий вазифа, бизнингча, ўз миллий маданиятини сақлаган ҳoлда, кириб кeлаётган бeгона маданиятнинг жамият тараққиёти манфаатларига со кeлувчи ижобий томонларини қабул қилиш ва уларнинг синтези асосида давлат мақсадларини инфoловчи ҳарақатларни амалга оширишдан иборат бўлиши лoзим.

Шунга айтиш жоизки, ёшлар орасида юз бeраётган салбий ҳoлатлар учун глобаллашув жараёни "айбдор" ҳам "жавобгар" ҳам эмас. Ақсинча, бу кўпроқ субъектив омилиларга бoлиқ бўлиб қoлмоқда. Шу сабабли ҳам мазкур жараённинг "кўр" томошабинлари сифатида қарсақ чалиб ўтирмасдан, менталитетимизга ёт бўлган маданиятларни тарғиб қилишни чeгаралаш зарур. Миллий - маънавий қадриятларга таъниш анъанавий қадриятларни маданият тараққиётининг бир бўлаги сифатида тан олиш глобаллашув даврига бoсқичма-бoсқич кириб бoришини таъминлайди. Бундай йўл очиқ ва эркин демократик давлат қуриш ҳамда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнига ҳам олга силжитади. Бундан кўриниб турибдики, муаммони ҳал етишда тарихнинг барча даврларида ҳам жамиятнинг етатчи кучи ҳисобланган миллий - маънавий қатлам асосий роль ўйнаши лoзим.

Маънавий қатламни ташкил етувчилар, энг аввало, жамиятнинг интеллектуал кучлари олимлар, зeйиллар, сиёсатчилар, атоқли маданият ва санъат арбоблари муаммога маъсулият ҳисси билан ёндашишлари лoзим. Ушбу фикрнинг таъдиди сифатида Президентимиз Ислам Каримовнинг кўйидаги сўзларини еслашиб ўтиш ўришли булар еди: «Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бeпарволик ва лоқайлик ҳўкм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавий энг охиш ва заиф нўқтага айланлади ва ақсинча — қаерда ҳўшёрлик ва жонқурлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳўкмрон бўлса, ўша ерда маънавий кудратли кучга айланади».

Хулoса қилиб айтганда, глобаллашув жараёнининг вужудга кeлиш сабаблари, моҳияти ва суеусиятларини ўрганиш, унинг натижаларини тақдид етиш, тўғри баҳо бeра олиш ҳамда улардан давлатимиз тараққиёти йўлида фойдаланиш механизминини ишлаб чиқиш демократик Ўзбекистон Республикасидаги замон билан ҳамнафас қдам ташлаётган ҳар бир олим ва фуқароларнинг асосий вазибаларидан бирига айланмоғи зарур.

Талон-торож устаси

Сув йўлларида юк ташиш ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш турли хилдаги парохоналар ёрдамида амалга оширилади. Қуруқликда эса бу масъулиятни вазифа, хусусан, оғир юкларни узок масофаларга элтиш асосан поезлар зиммасига юкланган.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда темир йўл транспортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Кейинги йилларда мамлакатимизнинг жанубий минтақаларини бир-бирига боғловчи юзлаб километрга чўзилган темир йўллар барпо этилди. Тоғ ораллиқлари, даралар ва жарликлар устидан ўтадиган "пўлат излар" кўплаб кўприклар қуришни ҳам талаб этарди. Бу ишларнинг ҳаммаси аъло даражада бажарилди. Темир йўл ҳақидаги гаплар одамлар оғзидан тушмай қолди.

Бунёдкор курувчиларимизга ҳар қанча офаринлар айтсак арзийди. Аммо, шולי курмасиз бўлмайдиган деғанларидек, улар орасида ҳам баъзан "курмак"лар учраб туриши сир эмас.

Патиев Сафар Зувурович "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК Қарши минтақавий темир йўл узели Қарши темир йўл таъмирлаш корхонасида кўприклар ва сунъий иншоотлар катта устаси. Нақадар масъулиятли вазифа. "Уста" деган биргина сўзнинг ўзиёқ кишиларда эҳтиром ҳиссини уйғотарди. Ҳар бир соҳанинг ўз устаси бор. Агар ўғирликка қўл урмаганда катта уста Сафар Патиев ҳам халқ орасида ҳурмат-эътибор топиб, яхши инсонлар даврасида ўтирган бўларди. Афсуски, у энди ҳеч ким ният қилмайдиган бўлак бир жойда "ўтирибди". Токи қилган жиноят ошкор бўлгунга қадар "катта уста" давлатнинг анча-мунча мулкни ўзлаштириб, ўзининг кўприк қуриш эмас, талон-торож устаси эканлигини исботлади.

"Ўзбекистон Республикаси темир йўллари" ДАТК раҳбариятининг 2009 йил 2 ноябрдаги буйруғи, Қарши минтақавий темир йўл узели раҳбариятининг 413-сонли буйруғи ва 2010 йил 15 январдаги фармойишига қўра, ЯБМС лойиҳасини амалга ошириш бўйича "Тошғузор-Бойсун-Кумкўрган" темир йўллари оралагида металл кўприклар қуриш кўзда тутилган эди. Ана шу соҳада ишлаган "Shimizu Corporation - Nipponsteel Co., Yokogawa Konstruktion Co., Ltd" қўшама корхонасига қарашли офис ва инвентарлардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш ҳамда уларни сақлаш Қарши темир йўл таъмирлаш корхонасига топширилди. Корхона раҳбарияти бундай масъулиятли вазифани Патиев Сафар Зувуровичнинг зиммасига юкледи. Шундай қилиб, мазкур шахс Дехқонобод туманининг Қорашина кўргонидаги Япониянинг юқорида номи тилга олинган қўшама корхонасига қарашли 7 донга контейнерни ҳам қабул қилиб олди. Шу кундан бошлаб қулфланган ва муҳрурилган контейнерлар ичида нималар борлиғи уни қизиқтириб, ичига ўт тушди ва қандай бўлмасин япон қулфларини очиб пайида бўлди.

Уша пайта, яъни 2010 йилнинг февраль ойига қадар Карим Жўраев бошлиқ 26-цехда ишловчи ишчилар ҳар ҳафта 2 кишидан бўлиб қоровулликда туришарди. Биринчи февралдан бошлаб уларнинг ўрнига Урозоли Раҳмонов ва Сабриддин Янгибоев-

лар шартнома асосида қоровулликка қабул қилинди ва японлар лагерида мавжуд офис, инвентарлар ҳамда контейнерларни кўриқлаш уларнинг зиммасига юклатилди.

Контейнерлар ичида нималар бор экан-а? Бу савол катта устанинг фикри зикрини шу даражада банд этдики, ҳаёлига бошқа ҳеч нарса сиймай қолди. Дастлабки терговларда ва суд мажлисида С.Патиев ўзининг ўша кунлардаги ҳолатини шундай изоҳлайди:

"2010 йилнинг 3 ёки 4 март кунлари контейнерлардаги қулфлар жойида бўлса-да, қоғоз муҳрлари букилган ҳолда турганини кўрдим. Контейнерларга биров тегиндим, деб қоровуллардан сўрадим. Улар ҳеч ким тегинмаганини айтишди. Шундан сўнг контейнерлар ичида нима борлиғига яна қизиқиб, япон мутахассислари томонидан қўйилган қулфларни синдириб, контейнерларни бирма-бир очиб қарадим ва ўзим синдириган қулфлар ўрнига бошқаларини қўйдим. Калит чўнтагимда эди. Шу орада Баҳодир Аманқулов билан учрашиб қолдим. У бошчилик қилаётган фирма ишчилари Дехқонобод туманидаги Бошқорбоғ қишлоғида коллеж биносини қуришгаётган экан. Аманқулов бино деворларининг юқори қисмида ишлаш учун ишчиларга "леса" (зина) кераклигини айтиб қолди".

Хуллас, ана шу учрашувдан кейин Қорашина кўргонида 2 та "МАЗ" юк автомашинаси кириб келади. Автомашиналарга ишчилар баландликка чиқиб ишлаш учун мослаштирилган зиналар, яъни Аманқулов сўраган "леса"лар юкланди. Булар 1132 донга ҳар хил ҳажмдаги илгари ишлатилган пўлат трубабар эди. Шу трубабарлар бир-бирига бирлаштиришда қўлланадиган 700 донга мустаҳкамлагич (крепёжная деталь), 184 донга 1,8 метр узунликдаги тахталар ҳам машиналарга юкланди. Ваҳоланки, булар темир йўл кўприкларни қурилишида ишлаган япон мутахассисларига тегишли эди.

Қарши темир йўл таъмирлаш ПЧ-12 корхонаси раҳбарлари томонидан 2010 йил 8 июль кунини японлар иш майдончасида турган контейнерлардаги жиҳозларда камоманд борлиғи аниқланиб, бу ҳақда Қарши темир йўл бекати тармоқ ИИБ ходимларига хабар берилди. Суриштирув ишлари бошланди. Ички ишлар бўлими ходимларининг аралашуви билан "леса" қурилмаси ва бошқа барча жиҳозлар қайтариб олиб келиниб, саналди. Ҳақиқат, баённома тузилди ва улар аввалгидек қилиб контейнерларга жойлаб қўйилди.



Токи иш ана шундай ачиқарилиб ва шармандали аҳволга етиб келгунга қадар С.Патиев ҳеч нарсадан тал тормай жиноий ҳаракатларини давом эттириб юраверган. Моддий жавобгар шахс бўла туриб, ўзига ишониб топширилган ва ихтиёрида бўлган жами нархи 31 млн. 616 минг 139 сўмлик темир йўл қурилишида ишлатиладиган жиҳозларни Дехқонобод туманида фаолият кўрсатаётган "Баҳодир" хусусий қурилиш фирмасига бериб юбориб, жуда кўп миқдордаги давлат мулкни талон-торож қилади.

Нафсининг қулига айланиб қолган С.Патиев жамоа мулкни ўғирлашда давом этиб, 2010 йилнинг апрель-май ойларида 150 донга қотирувчи детал, 80 донга қаркас, 25 Аманқулов бино деворларининг юқори қисмида ишлаш учун ишчиларга "леса" (зина) кераклигини айтиб қолди".

Хуллас, ана шу учрашувдан кейин Қорашина кўргонида 2 та "МАЗ" юк автомашинаси кириб келади. Автомашиналарга ишчилар баландликка чиқиб ишлаш учун мослаштирилган зиналар, яъни Аманқулов сўраган "леса"лар юкланди. Булар 1132 донга ҳар хил ҳажмдаги илгари ишлатилган пўлат трубабар эди. Шу трубабарлар бир-бирига бирлаштиришда қўлланадиган 700 донга мустаҳкамлагич (крепёжная деталь), 184 донга 1,8 метр узунликдаги тахталар ҳам машиналарга юкланди. Ваҳоланки, булар темир йўл кўприкларни қурилишида ишлаган япон мутахассисларига тегишли эди.

Ўйладим" дейди. Ана шу "улар билишмайди" деган хомхаёл уни чалғитади. Натижада кўприк қурилишида ишлатиладиган жиҳозларни оз-оздан олиб чиқиб, бир қисмини Дехқонобод туманида, бошқа бир қисмини Қарши шаҳрида сотиб, ўғирликдан тушган пул билан чўнтагини қаппайтиради.

Судланувчи Сафар Патиев судда ўз айбига тўлиқ иқро бўлди. Ўғирлаб, сотиб юборган нарсаларнинг ҳаммасини Тошкент шаҳри атрофида жойлашган қурилиш материаллари билан савдо қилувчи бозорлардан сотиб олиб келиб, келтирилган зарарни қоплаш учун топширгани, бу ҳақда корхона муҳандиси Толмас Мирзаев томонидан далолатнома тузилиб, фотосуратга олинганини баён қилиб, суддан енгиллик беришини сўради.

Фуқаровий даъвогар Толмас Мирзаев ҳам судда катта уста Сафар Патиев томонидан келтирилган зарар тўлиқ қопланганини айтиб, корхонанинг унга нисбатан моддий даъвоси йўқлигини баён қилди.

Шунингдек, А.Холиқов, Б.Аманқуловлар ҳам судда гувоҳлик бериб, Сафар Патиев томонидан қилинган жиноятнинг қандай содир бўлганини, кўприк қурилиши учун ишлатиладиган жиҳозларнинг ўғирланиши билан боғлиқ воқеага аниқлик киритдилар.

С.Патиевнинг айби юқорида баён қилинган кўрсатувлардан ташқари ёзма далиллар, яъни Қарши темир йўл таъмирлаш ПЧ-12 корхонаси раҳбарининг Қарши темир йўл бекати тармоқ ИИБ бошлиғига юборган алоқа хати, контейнерларни кўздан кечириб баённомаси, тахталарни ўлчаб қўриш тўғрисидаги баённома, японлар лагеридаги бино ва контейнерларни кўриқлашга масъул бўлган қоровуллар томонидан юридан 12 varaқли дафтар, товар-моддий бойликларни қабул қилиб олиш ҳақидаги далолатнома ва унга илова қилинган фотосуратлар, таққослаш далолатнома ҳамда ишдаги бошқа ҳужжатлар билан тасдиқланди.

Акмал АБДИЕВ,
Қарши транспорт прокурори

Суд С.Патиевга нисбатан жазо тайинлашда унинг ҳаракатидаги енгиллаштирувчи ҳолатлар ва жиноят натижасида етказилган зарар суммасининг тўлиқ қопланганини инобатга олди ва у Жиноят кодекси 167-моддаси 3-қисмининг "а" банди билан айбдор деб топилиб, шу кодекснинг 45-моддаси қўлланиб, 1 (бир) йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифасига тайинламаслик, ойлук иш ҳақидан 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда икки йилу олти ой муддатга ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланди. Унга нисбатан тайинланган ахлоқ тузатиш иши жазоси мазкур жазони назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатириладиган бўлди. С.Патиевдан зарарни қоплаш учун ҳужжатлаштириб олинган 51 млн. 370 минг 800 сўмлик кўприк қурилишида ишлатиладиган жиҳозлар Қарши темир йўл таъмирлаш корхонаси ихтиёрига қайтарилди.

Шундай қилиб, Қарши темир йўл таъмирлаш корхонасида кўприклар ва сунъий иншоотлар катта устаси вазифасида ишлаган Патиев Сафар Зувуровичнинг жиноий қилмишлари ошкор бўлди, жиноят очилди ва айбдорга тегишли жазо тайинланди. Дастлабки терговлар мобайнида С.Патиев елди-югурди, ўғирлаш нарсаларини сотиб олиб жойига қўйди, келтирилган зарарни тўлади. Буларнинг барчаси қонун ҳимоячиларининг қатъияти ва тезкор ҳаракати билан амалга оширилди. Қонун олдида С.Патиевнинг тиззаси қалтиради. Қилган ишдан пушаймон бўлди. Эғаллаб турган лавозимидан айрилди. Энди ёмони эса, ўзи ишлаб турган корхона ишчи-хизматчилари, қавм-қариндошлари олдида юзи қизарди. Ўғирликка қўл уриб, ўзганини катта миқдордаги маблағини талон-торож қилган бундай шахсга нисбатан одамларнинг фикри ўзгарди. С.Патиевни яхши инсон сифатида қадрлаган кишиларнинг унга нисбатан ишончи йўқолди. Энди у катта уста эмас, талон-торож устаси деган тавқи лаянатга қолди.

Аёл табиатнинг нозик хилқати. Унда нафақат ташқи чирой, балки ички гўзаллик ҳам мужассам бўлиши лозим. Аёл борки, чиройли, гўзал бўлишга интилади. Шу билан бирга, табиат фарзанд тарбиясидек масъулиятли вазифани аёл зиммасига шунчаки юклаб қўймаган. Ундаги меҳр, қалбидаги тафт, гўзаллик она сути орқали фарзандни эзгуликка ошно қилиб тарбиялай олади.

Бирок, аёлларимиз орасида ҳам шафқатсизлик, зўравонлик, ўзбилармонликка мойиллари ҳам учраб турар экан. Қуйида ана шундай ҳолатни баён этмоқчимиз.

Шифохонадаги жанжал

Ҳаммаси шифохонадаги жанжалдан бошланди. Ҷша куни Фариданинг эри Алишер шифохонага тушиб қолди. Аёл онаси билан палатага кирмоқчи бўлган эди, уларнинг йўлини Алишернинг қариндоши Рустам тўсди:

— Ҳозир ичкарида одам кўп, кейинроқ қирасизлар, — деди у. Бундан Фариданинг жадли чиқди:

— Йўк, мен ҳозир киришим керак. Ахир у меннинг...

Рустам яна қаршилиқ қилди. Ҷзаро айтишув жанжалга айланди. Мажорога Фариданинг онаси ҳам қўшилди. Бундан аччиқланган Рустам жадл устида Фариданинг онасини боши билан уриб юборди. Аёллар унинг бу қилигидан ғазаб отига минишди.

— Шунчалик зўрмисан? Ҷали кунингни кўрсатиб қўяман, сен маразни.

— Ҷе, озгингдан қонинг келсин, — қарғай бошлади Фариданинг онаси.

Охир-оқибат улар Рустамнинг устидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга бир неча бор мурожаат этишди. Аммо улар кутандек натижа чиқмади. Фариданинг назарида Рустам озроқ "ўтириб чиқиси керак эди". Лекин унинг ўйлагани бўлмади.

Мудҳиш режа

Фариданинг қалбидаги адоват кучайса кучайдики, сўнмади, аксинча янада аланга ола бошлади. "Ҷали сеними, шошмай тур, туғилганинга пушаймон қиламан". У Рустамдан ўч олиш ниятида турли режалар туза бошлади.

Шундай кунларнинг бирида аёл ўзининг Зафар исмли танишига интиқом ўтида ёнаётганини айтди:

— Рустамни ўлдириш учун менга ёлланма қотил керак, — деди Фариди. — Бу ишда ёрдам берасанми?

— Сен яхисиси бу ниятингдан қайт. Рустам онангни урган бўлса, бунга милицияга бориб айтсанг бўлади-ку, — насихат қилмоқчи бўлди йигит.

— Милицияга бордим, натижа чиқмади. Энди ўзим одам топиб, уни ўлдиртираман. Агар ёрдам бермасанг, барибир бошқа одам топаман, — деди қатъий оҳангда Фариди.

Зафарнинг уни бу фикрдан қайтаришга бўлган уринишлари бекор кетди. Аёлнинг бутун ўй-хаёлини Рустамни ўлдириш эгаллаб олган эди. Зафар охири унинг таклифига рози бўлди:

— Майли, сенга қотил топиб бераман. Ҷўш, қанча бермоқчисан?

— Буёғидан кўнглинг тўқ бўлсин, уни ўзим рози қиламан.

Келишувдан сўнг

Зафар тушундики, Фариди ниятидан қайтмайди. Агар у жиноятнинг олдини олмаса, Фариди бошқа одам топади. Топилган одам аёлнинг мақсади бўйича ҳаракат қилса, оқибати ёмон бўлиши мумкин.

Зафар фурсатни бой бермай, бу ҳақда ИИБга хабар қилди. ИИБ ходимлари дарҳол унга тегишли кўрсатмалар билан бирга "ёлланма қотил" ҳам топиб беришди. Шунингдек, видео ёзув мосламаси ўрнатилган машина ҳам беришди.

"Ёлланма қотил" билан учрашув

ИИБ ходимлари Зафар орқали "Марат" исмли ёлланма қотилни Фаридага таништиришди. Улар машина ичида савдолаша бошладилар:

Суиқасд

Саидқабар УСМАНОВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси
бўлим прокурори
Дўстбек СУЛАЙМОНОВ, "Huquq"

— Рустамни ўлдирганингиздан сўнг, менга унинг суратини телефонга тушириб олиб келасиз. Шундан сўнг сизга пулни бераман, — деди Фариди.

— Қанча бермоқчисиз? — сўради "ёлланма қотил".

— 300 минг сўм, — деди аёл.

— Бу кам-ку.

— Бу, албатта, камлик қилади. Лекин мен сизни рози қилиш йўлини биламан.

— Қандай қилиб? Ахир менинг "хизматим" жуда қиммат туради.

— Биламан. Шу сабабли сизга бой-бадалат яшайдиган қўшниларимнинг уйини кўрсатаман. Улар қимматбахо буюмларини қаерда асрашини чизиб бераман.

— Кейин-чи?

— Уларни ўлдириш йўли билан қўрқитиб, "шилиб" кетсангиз бўлади, — аёл шундай дея машина ичидан қўшнингнинг уйини кўрсатди.

— Майли, мен ишни битирай, кейин сизга телефон қиламан, — деди "Марат"...

"Рустам ўлдирилди"

2010 йилнинг 20 октябрь куни ишга кетаётган Рустамни йўлда милиция ходимлари тўхтаптиб, унга вазиятни тушунтиришди. У барча гапдан бохабар бўлгач, "Энди бизга сизнинг ўлдирилган ҳолатдаги суратингиз керак", — дейишди.

Рустам рози бўлгач, улар унинг оёқ-қўлини боғлаб, скок билан оғзини ёпишди. Юзларига қон сачрагандек бўёқ суртиб, гўёки ўлдирилган ҳолатда суратга туширишди. Энди бу суратларни Фаридага кўрсатиш қолди, холос.

Энди навбат талончиликка

Эртаси куни "Марат" Фаридага қўнғирок қилди:

— Фариди, ҳаммаси ҳал бўлди. Рустам ўлди. Унинг суратини олиб бораёлман. Қаерда учрашамиз?

— Ҷша, сизга кўрсатган қўшнингнинг уйи рўпарасида. Кейинги ишларни ҳам гаплашиб олишимиз керак.

— Ҷўп, ўша жойда кутаман.

Йигит видео ёзув мосламаси ўрнатилган машина билан келишилган жойга етиб борди. Уйдан чиқиб келган Фариди машинага ўтирди. У телефонга туширилган Рустамнинг суратларни кўздан кечиргач, ниятига етганига ишонди. Маратга сумкасида 100 АҚШ доллари билан 160 минг сўм пул чиқариб берди. Сўнгра қўшнисининг уйи чизмасини чизиб берди:

— Буларнинг уйида камида 5-10 миллион сўмлик тилла тақинчоқлар бор. Агар ниқоб қийиб кириб, ўлдириш билан қўрқитсангиз, улар сизга барча бойликларини бериб юборишади, — деди Фариди ишонч билан.

— Бўпти, келишдик.

— Фақат менинг улушимни ҳам унутманг.

— Ҷўш, биздан нима истайсиз?

— Агар омадингиз чопса, менга 500 минг сўм берасиз.

— Майли, розиман.

Улар хайрлашгач, Фариди уйи томон йўл олди.

Аммо Фариданинг қувонч узоққа қўзилмади. Уни ўша ёрнинг ўзида фурсат кутиб турган ИИБ ходимлари тўхтаптишди.

Одам ўлдириш учун қотил ёллашга аёл кишининг жазм этганига ишонинг келмайди. Аммо, факт ва далиллардан қўз юмолмайсан, киши. Аёл кишининг қалбида шунчалар адоват борлиги таажжубга солади. Бу гумроҳлик, илмсизлик белгисими ёки Яратганининг неъматларига ношуқурликми? Нима бўлган тақдирда ҳам, ким бўлишдан қатъий назар у қилмиши учун жазога маҳкумдир.

Шахсий адоват туфайли ўз қариндошини ўлдиришни мақсад қилган Фариди Эргашева 13 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Тадбиркорлик фаолияти аҳоли фаровонлиги ва даромадларини оширишнинг, иқтисодий юксалишнинг ишончли ва синалган йўли эканлиги бугун ўз исботини топмоқда. Шу сабабли ҳам мамлакатимизда тадбиркорлик ва ишбилармонлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ривожини учун имкониятлар яратишга жилдий эътибор қаратиб келинмоқда.

«Кесма мато»

операцияси

Баҳром МАХСИТОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси
АМИБ катта терговчиси

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, бугун тадбиркорлик орасидан ўзи, оиласи ва жамиятга фойда келтираман деган ишбилармон учун кенг йўл берилган. Ана шундай имкониятлардан, шарт-шароитлардан самарали, асосийси, конун доирасида фойдаланиб иш тутатган юрдошларимиз сафи кун сайин кенгайиб бормоқда. Нафақат юрдошларимиз, хорижлик ишбилармон доиралар учун ҳам мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишларига қулай муҳит яратилган. Аммо шахсий манфаатларинингизга қўзлаб, ноқонуний йўл тутатган "уддабурон"лар ҳам учраб турибди.

Мисол учун, ўтган йилнинг 1 март куни Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси ходимлари "Bayteks TICARET" МЧЖ шаклидаги хорижий корхонада қисқа муддатли текшириш ўтказаятган пайтда, корхона худудидан чиқиб кетаётган "Матиз" русумли автомашина уларда шубҳа уйғотади.

Ш.Сатторов бошқарувидаги давлат рақами 01 J 104 DA бўлган ўшбу автомашина тўхталиб кўздан кечирилганда, унинг саломида 1634 дона кесма мато ва 1 млн. 20 минг сўм ва 50 АҚШ доллари борлиги аниқланади. Маълум бўлишича, Ш.Сатторов юқорида номи қайд этилган корхона худудидида жойлашган бошқа бир хорижий корхона - "LUKAS TEKSTIL" МЧЖ ходими, Туркия фуқароси Дурсун Юсуфдан корхонада кириб қилинган кесма матоларни нақд пулга сотиб олиб, буюртмачи - "EL NUR AND RUSLAN TEKSTILE" МЧЖ директори Ҷ.Носировга олиб кетаётган экан.

Дастлабки тергов жараёнида Д.Юсуф, Ҷ.Носиров ва Ш.Сатторовлар ўзаро тил бириктириб 2003 йилнинг августидан буюн ўзанинг мулкчини ўзлаштириш; назорат қилинмайдиган даромад олиш мақсадида ноқонуний савдо-воситачилик фаолиятини амалга ошириб келишгани аниқланган.

Вазифалар тақсимотига кўра, "LUKAS TEKSTIL" МЧЖ шаклидаги хорижий корхонасининг нақд солиш бўйича мутахассиси Д.Юсуф ҳужжатларда кириб қилинган кесма матоларни ўзлаштириб сотиш, Ш.Сатторов ўзига тегишли "Матиз" автомашинасида ундан сотиб олинган матоларни Ҷ.Носировга етказиб бериш билан шуғулланган. Ҷ.Носиров эса бу матоларни устама нарх қийиб бошқа харидорларга нақдга пуллаб юбораверган.

Уларга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан айблов эълон қилиниб, жиноят иши айблов ҳулосаси билан судга юборилган.

Суд жиноят ишини атрофлича ўрганиб ва муҳокама қилиб, айбланувчиларнинг ўз қилмишларидан пушаймонлиги, уларнинг муқаддам судланмагани ва содир этилган қилмиш ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига қириши қаби жихатларни инobatта олиб, уларга Амнистия тўғрисидаги қарорни қўллади ва жиноят ишини тугатиш ҳақида ажрим чиқарди.

Уйланимизки, Д.Юсуф, Ҷ.Носиров ва Ш.Сатторовлар бундан тегишли ҳулоса чиқариб олинган ва кингир йўл билан узоққа бориб бўлмаслигини тушуниб етишган.



Ҳалолни унутган заволга етар

Мамлакатимизда фуқароларнинг тадбиркорлик билан шуғуланишлари учун шарт-шароитлар билан бирга, кенг имкониятлар ҳам яратилмоқда. Шу бос, кўпгина тадбиркорларимизнинг фаолиятидан ўзи ҳам, давлат ҳам фойда кўрмоқда. Ички бозорларимиз сифатли ва арзон маҳсулотлар билан тўлиб, аҳолининг турмуш тарзи янада яхшиланаёпти. Бироқ ҳамма замонларда ҳам тадбиркорлар ва тиждорат ишлари билан шуғулланувчилар фаолият юритишлари учун маълум шартлар қўйилган ва шу шартлар бажарилгандагина топилган даромад ҳалол бўлади. Бизда ҳам ҳар қандай бизнес ва тадбиркорлик фақат қонун йўли билан амалга оширилганда ҳалол ҳисобланади. Акс ҳолда, мўмай даромад орттириш йўлидаги ҳар қандай ноқонуний фаолият жиноятга айланади, унинг иштирокчилари ким бўлишдан қатъи назар жазога тортилади.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди томонидан бир жиноий гуруҳнинг ана шундай ноқонуний кирди-корлари кўриб чиқилди.



1973 йилда Косон туманида туғилган, Муборак тумани "Курувчилар" маҳалласида яшаб келган сохта тадбиркор Ойбек Сайфуллаев жиноий гуруҳни уюштирувчи ва ҳаракатда келтирувчи асосий шахс бўлиб чиқди. Ойбекнинг икром бўлишича, у дастлаб ўзига Қозоғистон Республикасидан шериклар излаган. 2007 йилнинг кузида кийим-кечак олиб келиш баҳонасида Сирдарё вилоятига бориб, у ердаги такси ҳайдовчилари орқали қўшни Қозоғистондан ноқонуний йўллар билан ўзимизга машина олиб ўтиш йўллари кидирди. Бир такси ҳайдовчиси унга шундай машиналар борлигини айтиб, уни Қозоғистонга олиб ўтади ва сотиш учун тайёрлаб қўйилган "ВАЗ-2106" русумдаги оқ рангли машинани кўрсатади. Машина Ойбекка мажбул бўлади. Энди уни Ўзбекистонга олиб ўтиш учун "ҳамкорлар" керак эди. Ойбек уларни ҳам топади. Уларнинг бири Қозоғистон фуқароси Аскар Турсунов, иккинчиси Тошкент вилояти Тошкент туманининг Қозоғистонга чегарадош Ғ.Умаров номи жамоа ҳўжалигида яшовчи, 1981 йилда туғилган Дилшод Рустамов эди.

Аскар Турсунов 2500 АҚШ долларига сотиб олинган машинани айланма йўллар орқали Дилшоднинг ҳовлисига олиб бориб беради. Ойбек машинани Қаршига олиб кетгунча Дилшод уни ҳовлисида сақлаб туриши керак эди. Хуллас, Ойбек нархи 9 млн. 226 минг сўмга тенг бўлган машинани мажбурий бож тўловини тўлашдан бўйин товлайди. Албатта, машинани Қаршига олиб келишда ҳаракат хавфсизлиги ходимлари назоратидан беҳавотир олиб

ўтиш учун

Ойбекка яна бир "ҳамкор" керак эди. У бу ишга милиция ходимини жалб этишни маъқул кўриб, Қарши темир йўл милиция бўлимида ишловчи таниши Ғайрат Эшназаровга мурожаат этади. Ғ.Эшназаров ҳам ҳеч икхиланмай унинг таклифига рози бўлади ва ўзи билан қандайдир автомашинанинг давлат рақамини олиб бориб, Қозоғистондан олиб ўтилган машинага тақдир ва формада рулга ўтириб, машинани Қарши шаҳрига олиб келади.

Ҳужжати бўлмаган машинани бировага пуллашнинг иложи йўқ эди. Ойбек бу муаммонинг ҳам ечимини топади. Бунинг учун унга 1968 йилда туғилган, Қарши тумани Беклар қишлоғида яшовчи эски таниши Нуриддин Хушмуродов "ёрдам қўлини чўзади". Машина олиб-сотиш билан кун ўтказайтганлиги сабабли, бундай ишларнинг ҳадисини олган Нуриддин, 2006 йилда Косон тумани ИПХ жарима майдончасидаги аварияга учраб, ярқисил холга келиб қолган, оқ рангли "ВАЗ-2103" автомашинасини кўриб қолиб, уни машина эгасидан 250 минг сўмга сотиб олган эди. У машинани майдонча, эҳтиёт қисмларини турли кишиларга сотиб юборган бўлса-да, ҳужжатлари ва давлат рақамини сақлаб қўйган эди. 2008 йил охирида бу ҳужжат ва давлат рақамини Ойбекка 300 минг сўмга сотади. Бу орада машинага Ғ.Шониевнинг харидор бўлади. Ойбек машинани 9 млн. сўмга пуллаб, Нуриддиндан ол-

ган ҳужжатларини таниш-билишлари орқали машинанинг янги "ҳўжайин"га расмийлаштириб беради.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Фуқароларимиз ўзларининг пешона терлири эвазига тўплаган пулларига автомашина харид қилганларида, албатта, унинг ҳужжатлари тўғри, қонуний бўлишига эътибор қилишлари керак. Акс ҳолда неча йиллаб йўққан пулларига қуйиб қолишлари ҳеч гап эмас. Қолаверса, ҳуқуқий билими паст, лоқайд харидорлар О.Сайфуллаевга ўшага найрангбозларнинг тегиримонига сув қуйиб туришлари тайин.

"Иши" ҳамирдан қил суғургандек битганидан илҳомланган Ойбек жиноий шериклар билан яна алоқа боғлайди. Янги "ҳамкор"лари хизматидан фойдаланиб, Қозоғистондан яна иккита машина олиб ўтади. Ойбек ҳаракат хавфсизлиги ходимларини чалғитиш мақсадида 200 минг сўм пул эвазига Ғузур тумани ИИБ ходими, милиция капитани Собир Эгамбердиевни ёллайди. У машинани Тошкентдан Қаршигача бошқариб келган. Собир ички ишлар бўлимининг ходими бу ишдан ҳар қанча тонмасин, ўзини оқлашга уринмасин, далиллар ва гувоҳларнинг кўрсатмалари унинг жиноий қилмишини тўлиқ тасдиқлади. У бу қилмиши билан қонунбузарлар биринчи машина учун 9 млн. 226 минг 697 сўм, иккинчи машина учун ҳам шунча миқдор-

да бож тўловининг тўланишига қасддан бўйин товлашларида иштирокчи қилган. Ойбек ва унинг жиноий шериклари машиналардан бирини Э.Шониевга 8 миллион сўмга, иккинчисини О.Хўнафасовга 9 миллион сўмга сотиб, бошқаларнинг номида ва ҳисобида бўлган эски машиналарнинг ҳужжатларини қалбакилаштириб, жиноятларини бошқа жиноятлар билан хаспўшламоқчи бўлганлар.

Собир Эгамбердиев Ойбек Сайфуллаев билан қандай тил топиши экан, деб ҳайрон бўлаётгандирсиз? У бир неча йил аввал, қўй ўғрилариининг изидан тушиб, Косон туманидаги Райимсўфи қишлоғида яшовчи Ойбек билан танишиб қолган эди. Бу танишлик эса жиноий бириктиришга бориб етди. Қалбида қинғирлик бўлган кимсалар қаерда бўлмасинлар, бир-бирларини тез тўшунар эканлар. Лекин бундай бириктириш оқибати ҳамма вақт ҳам кулфат келтиради.

Қинғирлик йўли билан кун кўрувчи кимсаларинг бири-бири билан тез тил топишини Ойбекнинг 1976 йилда туғилган, Қарши тумани Парғуза қишлоғида яшовчи, муқаддам бир бор судланишга улгурган Отабек Ҳаққулов билан яқинлигида ҳам кўриш мумкин. Улар ўзаро жиноий тил бириктириб, Қозоғистондан яна машиналар келтириб сотишади ва бу жиноий қилмишлари оқибатида 29 млн. 507 минг 905 сўм бож тўловини тўламайдилар. Улар битта машинани Ш.Тошназаровга 6 млн. 500 минг сўмга пуллаб, Б.Пардаев номидаги 1976 йилда ишлаб чиқарилган "ВАЗ-2106" русумли машинанинг ҳужжатларини қалбакилаштириш йўли билан расмийлаштириб беришади.

Жиноий гуруҳ аъзолари бу қилмишлари билан мажбурий бож тўловларини тўлашдан бўйин товлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кўп миқдордаги мулкнинг жиноий йўллар билан киритилиши жиноятини содир этганлар. Шунингдек, жиноий гуруҳ аъзолари давлат чегараларини ноқонуний бузиб ўтиш, боғхона қонунларини қўпол равишда бузиш, машиналар ёки уларнинг ҳужжатларини, кузов ва двигател рақамларини ўзгартириш орқали қалбакилаштириш, пора бериш, олиш, товламачилик қилиш каби қатор жиноятларни ҳам содир этганлар.

Афсуски, бу жиноятлардан ўз вақтида хабардор бўлган айрим

Шўхрат КУВОНОВ,
Қашқадарё вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси
Норбўта ҒОЗИЕВ,
«Huqiqat»

ички ишлар бўлими ходимлари қонуний чора кўриш ўрнига, улардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб, жиноятни беркитиш билан шуғулланганлар. Косон тумани ИИБ Пўлати кўргони милиция бўлинимаси жиноят кидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўйича катта тезкор вакили бўлиб ишлаган Баҳодир Очилов ва 1961 Косон туман ИИБ Пўлати кўргони милиция бўлинимаси бошлиғи вазифасида ишлаган Шўхрат Боқиевлар ҳам судлов ҳайъати томонидан ана шундай қилмишлари учун айбландилар. Улар ўз хизмат вазифалари юзасидан бажаришлари шарт ва лозим бўлган ҳаракатларни адо этмай, ўзлари томонидан аниқланган жиноятни фош этмасдан, ҳисобга олишни қасддан яшириб, давлат манфаатларига кўп миқдорда зарар етказганлар.

Юқорида таъкидлаганимиздек, мазкур жиноят иши судда кўрилиб, судланувчилар ЖКнинг турли моддалари билан айбланиб, суд ҳукми билан қилмишларига яраша жазоларини олдилар.

Тергов ва суд жараёнидаги савол-жавоб ҳамда суриштирувлардан шу нарса аён бўлдики, улар қилаётган ҳаракатлари нотўғри эканлигини яхши билишган. Лекин таваккал қилиб, қонуни четлаб ўтиш пайида бўлганлар.

Бундай хатти-ҳаракатларнинг илдизи айрим кишиларда инсоф, диёнат деган тушунчаларнинг йўқлиб бораётганига гадидир. Мақолада юқоридаги ҳолатларни келтиришимиздан мақсад жиноят йўлига кирган кимсаларни нафақат ҳалол яшашга даъват этиш, балки қонуни бузиш ёмон оқибатларга олиб келишини яна бир бор эслатиб қўйишдир.

Зеро, халқимиз ҳаро ара-лашган лўқма умрга ҳам, обрў-мартабига ҳам, касб-қору насл-насабга ҳам завол эканлигини кўп бора таъкидлаган. Шунинг учун ҳам иймон-этиқодли, виждонли аждодларимиз ҳар ишга "ҳалолдани берсин", деб ёндашганлар. Вилоят боғхона ва Миллий хавфсизлик хизмати бошқармаси ходимлари саяё-ҳаракатлари билан бу ҳалолу-ҳаромни унутган жиноий гуруҳнинг қора қилмишлари фош этилиб, унга чек қўйилди.

Пухта «иш»нинг ишқали чиқди

Иигирма икки яшар йигитчанин омади чоғди. Алишер Мавлановнинг хусусий "Барокат-умид" фирмаси тендерда голиб деб топилган. Тошлоқ туманидаги 26-мактабга таълим муассасаси - болалар боғчасининг биносини таъмирлаш тўғрисида буюртмачи билан шартнома тузилди. Лойиҳага кўра жами 14 млн. 500 минг сўмлик иш бажарилиши лозим эди.

Буюртмачи - Тошлоқ туман молия бўлими томонидан фирманинг ҳисоб рақамига дастлабки 2 млн. 175 минг сўм маблағ ўтказилганидан кейин Алишер курувчиларни боғчага олиб бориб, ишени бошлаб юборди. Бирин-кетин томонинг тешик жойлари тунука билан ёпилди, тўртта гуруҳ хоналари оқланди,

бўёқдан чиқарилди. Бино йўлга, пештоқ қисми, қоровулхона таъмирланди. Усталар дераза ромларига бошдан-оёқ қайтадан ойна солишди, хоналарга янги эшиклар ўрнатиб, эски эшик ва ромларни ҳам бўяб қўйишди. Фирма бошлиғи Алишер Мавланов "ишлар беш" дея, буюртмачи вакилининг қўзини шамғалат қилиб, қоғозларга имзо чектиришга эришди. 2-шакл далолатномаларига кўра, болалар боғчасида ҳомийлар маблағи ҳисобига шартномада кўзда тутилганга қўшимча 1 млн. сўмликдан зиёд ишлар бажарилган эди. Бирок...

Курувчилар таъмирлашдан чакка ўта бошлади. Синчиқлаб кўздан кечирганда эса, қўл учиде, сифатсиз қилинганидан ташқари, чала қолган ишлар ҳам

мана мен, дея чиқиб келаверди.

Туман прокуратураси томонидан му-тахассислар жалб қилиниб, бажарилган ишларнинг ҳажми ва сарф-ҳаражатлари қайтадан ҳисобланиб баҳоланганда, фирма раҳбари бажарилган ишларни тенг баробар кўпайтириб кўрсатгани аниқланди. Яъни, лойиҳада кўзда тутилган ошхона, ҳамшира, мудири, ходимлар, жисмоний тарбия, услубчи хоналари, мусика зали, кир ювиш хонаси таъмирланмай, иситиш тизими янгиланмаган экан. Фирма раҳбари бажарилган ишлар учун 7

млн. 700 минг сўм ортиқча пулларни ҳам ҳисоб рақамига ўтказдириб, ҳаменига урганди. Бирок, унинг назарида пухта ўйланган, беишқал туюлган "иш"нинг ишқали чиқди. Фирма раҳбари ва усталар оёғи қуйган товукдай гитирлаб қолишди. Боғчада чала қолган таъмирлаш ишларини олиб-югуриб охирига етказишди. Текширувдан кейингина ботча болаларни бағрига олишга шай ҳолатга келтирилди.

Юқоридаги ҳолат юзасидан қўзғатилган жиноят иши судда кўрилиб, далолатномаларни сохташатириш йўли билан охирига етказилган таъмирлаш ишлари ҳажмини қарийб икки баробар кўпайтириб ҳисоблаб, 7 млн. 700 минг сўмликдан зиёд бюджет маблағларини ўзлаштиришга қасд қилган судланувчи Алишер Мавланов томонидан етказилган зарар ўрни қоплангани инobatга олинди, унга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Ж.ИБРОХИМОВ,

Тошлоқ туман прокурори ёрдамчиси
лавозимда иш ўрганувчи



Хурматли юрtdошлар!

«Асака» банки (ОАЖ)

Сизларга қуйидаги янги муддатли омонат турларини таклиф этади!

Миллий валютадаги омонат «БАҲОРГИ-1»

Сақланиш муддати – 1 йил, ҳар ойда қўшимча маблағлар киритиш мумкин.
Ҳисобланган фойзлар омонат ёпилган (1 йилдан) дан сўнг берилади.

Хорижий валютадаги омонат «АКТИВ-1» АҚШ доллариди

Сақланиш муддати – 1 йил, ҳар ойда қўшимча маблағлар киритиш мумкин.
Ҳисобланган фойзлар омонат ёпилган (1 йилдан) дан сўнг берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун:
«Асака» банк (ОАЖ)
филиаллари телефонлари:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
“Автотранспорт” филиали	371	120-39-95
Шайхонтохур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	225-16-46
Сергели филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
“Фарход” филиали	374	229-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Кўкон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
“Афросиёб” филиали	366	234-17-96
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	223-72-47
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

«Асака» банки (ОАЖ) сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.
Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

Ғолиблик муборак!

Тўққиз йилдирки, мухтарам аёлларимизнинг ижодини муносиб тақдирлаш мақсадида "Атиргул" ижодий танлови ўтказиб келиняпти. 8 март - Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан 2010 йилда Ватанимиз равнақи йўлида катта фидойилик билан ижод қилган қаламқаш хотин-қизларимиздан бир гуруҳи ушбу танловнинг ғолиби деб топилди, уларга махсус диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ғолиблар орасида "HUQUQ" газетасининг Наманган вилояти бўйича мухбири Нилуфар Ниёзованинг ҳам борлиги бизни қувонтирди. У суд-ҳуқуқ ислохотларининг матбуотда ёритилиши номинацияси бўйича танлов ғолиби сифатида алоҳида эътироф этилди. Биз ҳамкасбимизни ушбу мукофот билан қутлаб, унга ижодий парвозлар тилаймиз. Унинг яна бир ижод намунасини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.



Нилуфар НИЁЗОВА,
«Нуқид»

Ватанни сев, тупроғини ўп...

Кичкинтой болалар боғчасидан келиб чучук тиллари билан таассуротларини айта бошлайди:

— Ойи, бугун Ватан ёдладики!

— "Ватан ҳақида шеър ёдладики", дегин, — унинг хатосини тўғрилайди каттаси.

— Йўқ, Ватан ёдладики! — ўжарлик билан туриб олади кичкинтой, кейин яна онасига юзланади. — Ватан ўзимизнинг уйимиз, боғчамиз, кўчамиз экан, ойи! Боғча опам айтдила... Уйимизни яхши кўраманку, Ватанни ҳам шундай севаман-да, а?

Тўлқинланганча фикрини айтишга тиришаётган кичкинтойни баргимга босгудек, беихтиёр онгу шууримни Мухаммад Юсуфнинг куйдаги сатрлари эгаллайди:

Кўҳна толбешиқдан
Бошланган олам,
Сенга иддаолар
Қилмай севаман.
Бир кун синглим деб,
Бир кун онам —
Ватан,
Кимлигинги
Билмай севаман!..

Шоирман, деганнинг унча-мунчаси Ватанни бу қадар хис қилолмайди, Ватанни бу қадар меҳр-муҳаббат билан қуйлай олмайди.

"Ватанни севмоқ иймондандир!" Наздимда, бу ҳадиси шарифни англаб етиш учун бир инсон умри камлик қилади. Бу муқаддас каломни англамоқ учун бир сония етарлидир. Зеро, ҳар бир даврда ҳам, бу қадим дунёнинг исталган бурчагида инсон тафаккурини шув-лаштириб турадиган, уни эзгулик сари чорловчи ва илҳомлантириб турадиган муқаддас неди бор эди! У ҳозир ҳам бор.

Ундан мозий садоси, давр нафаси шивирлаб туради гўё. Унинг ибтидосидан интихосига қадар кичкинтой чўғураб айтаётган "Ватанни севмоқ" тушунчаси муҳассамки, такрор-такрор идрок қилганинг сайин қадрини теранроқ англайверасан.

Дарвоқе, Ватанни мутолаа қилиш надир? Уни мутолаа

қилиб бўладими?

Ҳа! Фақат у кўнгилда жойлашса, иймон деб аталувчи мўъжизавий қудратга эга бўлса!

Халқимизда туғилган тупроқ, киндик қони тўкилган жой, қолаверса, "Ўз уйим — ўлан тўшагим", деган тушунча-ю нақллар бор. Қаерда бўлмайди, қайси мартаба-ю мансабда ўтирмайлик, қандайдир илоҳий туйғу бизни ҳар доим ўша киндик қонимиз тўкилган гўшага чорлаб тураверади.

Ўзбекистон — бизнинг туғилган ва камолга етган уйимиз. Бу ҳар қандай баландпарвоз сўзлардан, тушунчалардан юксак, улғворроқдир. Зеро, ана шу ошондоннинг равнақи ва ҳошиёшлиги учун интилиш, курашиш, керак бўлса, жонни қурбон этиш Ватан-

"... Шундай одамгина лафзини саклайди, бировнинг ҳақиқа хиянат қилмайди, садоқатли бўлади. Ватани, халқи учун жонини фидо этишга ҳам ўзини аямайди. Бунинг акси ўлароқ, ёлғончи, ваъдабоз кишида ватанпарварлик туйғуси бўлмайди. Манфаатпарастлик йўлида қилинган ҳар бир қинғир иш, қанчалик баландпарвоз таъриф-тавсифларга ўралмасин, барибир Ватанга хиянатдир".

Ватанга фидойилик билан бир вақтда, минг таассуфи, Ватанга хиянат ҳам нур ёнидаги соя каби ҳамиша мавжуд. Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, хиянат қинғир ишдан қўрқиланади. Хиянаткор, энг аввало, ўз халқумини бўлгайди, кейин дўстини сотади. Сўнгра устозининг юзига оёқ қўяди, бора-бора фарзандларига, хотинига... ва ни-

га фидойилик мезонини белгилаб беради. Минг йиллик жангу жадаллар, жон олиб, жон беришлар ҳам унинг ҳимояси, муҳофазаси учун бўлганини тарихдан биламиз. Ва яна бир қарра иймон келтириб, лабла-римиз пичирлайди: "Ватанни севмоқ иймондандир!"

Юртбошимиз ҳам бу каломни тез-тез тилга олиб, ватан учун фидойилик зарурлигини таъкидлайди. Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий равнақи ҳамда истиқболли, бу омилларнинг рўёбга чиқishi маънавий юксаклик, ваатанпарварлик, ростгўйлик, халқсеварлик каби фазилатлар билан омукталигини таъкидлар экан, яна шундай изох беради:

хоят, муқаддас саждагоҳга — Ватанга хиянат қилади. Алҳазар, алҳазар...

Аслида хиянат жоҳилликдан келиб чиқади. Маърифатли киши эса ҳамиша диёнатли бўлади. Не бахтим, бугунги мустақил Ўзбекистонимизнинг порлоқ келажаги — маърифатли кишилар, илмли ёшлар қўлида. Шу туйфайли юртимизнинг фидойилар масканига, меҳру шафқат, муҳаббат барқарор бўлган, тафаккур ва ижод қайнаган муқаддас маконга айланаётганига шак-шубҳа йўқ. Ахир бу заминда ота-бобларимизнинг маърифат маскани бўлган улғу Шарққа муносиб соҳиб илмлар воғая етмоқда. Зеро, юксак инсонпарварлик ғоялари билан

озикланган Хўжа Аҳмад Яссавий, Имом Бухорий, Хўжа Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро каби зотларнинг буюк таълимотлари ва тариқатларининг Ватани ҳам Туркистон заминидир.

Ватан деганда нимани англаш керак?

Она тупроқ Ватанми? Хижратда жон бераётган мусофи қўқсида неча йиллар давомида яшириб юрган дил тўтиеси — бир ҳовуч тупроқни боши остига сепишни васият қилади. Ўлжас Сулаймоновнинг шеъри ёдингиздами? Оддий тупроқми-кан Ватан тупроғи? Қанча қону қанча қора тер, қанча кўз ёшу қанча она суги тўкилган бу тупроққа... Кўзимизни осмондан узмай яшаймизу, вужудимиз шу тупроқники... Бу тупроқ боболаримизу молақимиз муқаддас ҳоки.

Умри иморат тиклаш, паҳса уриш билан ўтган кекса усталаримиз, албатта, лой қориш олдида ҳоки тубробга айланган аждодлар руҳини ёдлаб, улардан ё изн, ё кечирим сўрагандек, муқаддас китобдан оятлар ўқийдилар.

Тилимиз ҳам Ватанимиздир. Ахир юрт тупроғидидаги ҳар бир гулнинг, ҳар бир майсанинг, ҳар бир новданинг, ҳар бир паррандаю дарранданинг, ҳар тоғу боғининг ўз номи бор. Номини тилга олар эканмиз, улар "ярқ" этиб кўзимиз ўнгиде гавдаланади. Бегона юрт, шаҳар кўчаларида тўсатдан она тилимизда гапирган одамни учратсак, дилимиз орзиқиб кетади, уни тўқтатиб сўхбатлашгимиз келади.

Умримизнинг ҳар бир лаҳзаси Ватанга бўлган муносабат билан белгиланади. "Зоология" фанида ўқиганим бор: Лосось деган балик умрининг сўнггида неча-неча денгизу дарёлар ошиб, тошлар устидан қатлаб, қачонлардир ўзи кўз очган ки-

чик ва тинч ўзига қайтаркан. Ҳар баҳорда уйингиз пештоқиде ин қурган қалдирғочларни кўрасиз. Улар уйингизни адашмай топиб келишади. Инсон тафаккури ҳам йиллару замонлар оша ўзининг ибтидоси — Ватанга қараб интилади. Бу интилиш абадийдир!

"Ватанни севмоқ иймондандир!"

Биз бу ҳадиси шарифни ҳис этмоғимиз учун бир умр ҳам камлик қилади, дедик ва яна айтдикки, уни англаш учун бир сония етарлидир.

Ўзбек халқида "Ватан остондан бошланади", деган ибора бор. Ўзимча буни шу маънода тушунаман: Ватанни севмоқ учун кўкракка мушт уриб мақтаниш, ҳуда-беҳуда пешонани гурра қилиш ва шу йўл билан ўзини фидойи кўрсатиш шарт эмас.

Ватанни севиш, аввало, ўз оилангни ҳурмат қилиш, унинг олдидаги ўз вазифангни сидқидилдан адо этиш, меҳр-муруватли, маърифатли бўлиш, дегани эмасми асли?!

Илғари ўз уйда қўним топмаган "партия топириғи"га биноан чўлларни ўзлаштирарди. Мурунговда тилла қовларди, Қарағандада кўмир қазирди. Бу ҳамма жойда ватанпарварлик, адалатпарварлик, фуқаропарварлик ва яна қаторқатор "парварлик" лар саналарди. Аслида эса, буларнинг бари ҳукмрон тузум ва тизим манфаатларидан бошқа нарса эмасди. Келажаги буюк мамлакат учун бундай ватанпарварликнинг заррача кераги йўқ, Кимнинг кимлигини халқнинг ўзи ажрати олади, ўзи баҳо беради, ўзи шарафлайди ва керак бўлса, ўзи лаънатлайди!

Ҳўш, фидойи бир инсоннинг кадр-қимматини қандай баҳоламоқ керак? Ҳақиқий Ватан фарзандининг хизмати аслида қандай бўлмоғи лозим? Ватанпарварликнинг ўзи нима?

"Ватан ўз фарзандини унутмайди!" — деймиз. Бу — қадимий гап. Аммо ҳар бир юрак Ватанга бўлган меҳру муҳаббатини ҳам янгилаб бораверади. "Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак", деган гап ана шундай муносабатнинг ҳосиласи эмасми?!

"Ватанни сев!" деб бировга буйруқ бериб бўлмайди. Севма, дейиш ҳам нуғохи азимдир. Ватан кўйида яшаётган ҳар бир инсон ўз муҳаббати билан унинг сарҳадларини кенгайтиради. Муҳаббатсиз юракка Ватан сизмайди. Ҳар бир гўдак, ҳар бир қария ўз меҳри билан Ватани бепоеён этади. Меҳр-сиз юракка-да Ватан сизмайди. Ватан меҳри, Ватан муҳаббати билан яшаётган юраккина инсонияти севади, унинг учун қўйилади, ўз юртини, ўз халқини севаган, ўз она тилини улуғламаган одам ҳеч қачон бошқа тилни, ўзга гоҳчи сева олмайди. Шу маънода, ўзимиз, дилбандларимиз кўнглининг туб-тубида Ватан иши ётибди, биз уйғоқмиз. У юзга қилиб чиқиси, томирларда қон бўлиб оқиси, жисму жонимизга озуқа бериши керак. Токи юрагимизнинг ҳар бир уриши бизга ушбу муқаддас ганни доимо эслатиб турсин: "Ватанни севмоқ иймондандир!"

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV, Muxtor ZOIROV,
Gulnoza RAHIMOVA, Yusupboy G'OIPOV,
Svetlana ORTIQOVA,
Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari),
Shavkat YODGOROV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahoo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
233-10-53.

Faks: 233-64-85, 233-10-53.

E-mail: info@huquq-gazeta.uz

Tahririyatga kelgan qo'yilmalar tagir qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farg'lanishi mumkin. «HUQUQ» materiallarini ko' chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. □ — tijorat materiali. Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Mashr ko'rsatkichi — 231
ISSN 2010-7617

Buyurtma J-1281. 35 029 nusxada bosiladi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Sahifalovchi: S.BOBOJONOV
Navbatchi muharrir: O'.DEHQONOV
Navbatchi: O'.DEHQONOV

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Setuvda kelishilgan narxda

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi. Korxonani tashkil etgan: Toshkent shahar, Alifshar Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 20.00 12 3 4 5 6 7 8 9